

**АЛИШЕР НАВОЙИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА
АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

ҚОСИМОВ УСМОН

**АДАБИЙ-ЭСТЕТИК ТАФАККУР ТАДРИЖИ: АНЪАНАВИЙЛИК,
ВОРИСИЙЛИК, ЎЗИГА ХОСЛИК**

(Абдулла Қодирий, Абдулла
Қахҳор ва Тоғай Мурод ижоди мисолида)

10.00.02 - Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент -2020

УДК:82.09

Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

**Оглавление автореферата диссертации доктора филологии (DSc)
Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (DSc)**

Қосимов Усмон

Адабий-эстетик тафаккур тадрижи: анъанавийлик, ворисийлик, ўзига хослик.
(Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор ва Тоғай Мурод ижоди мисолида).....3

Касимов Усман

Развитие литературно-эстетической мысли: традиция, преемственность, своеобразие.
(на примере творчества Абдуллы Кадыри, Абдуллы Каххара и Тагай Мурада).....37

Kasimov Usman

The translation of literary-aesthetic thinking: traditional, inheritance, individuality
with the example of work Abdulla Kadiri, Abdulla Kahhar and Togay Murod.....69

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....73

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА
АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc. 03/30.12.2019.Fil.19.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

ҚОСИМОВ УСМОН

**АДАБИЙ-ЭСТЕТИК ТАФАККУР ТАДРИЖИ: АНЪАНАВИЙЛИК,
ВОРИСИЙЛИК, ЎЗИГА ХОСЛИК**
(Абдулла Қодирий, Абдулла
Қаҳҳор ва Тоғай Мурод ижоди мисолида)

10.00.02 - Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент -2020

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Махкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида рўйхатга олинган:
В 2018.4.DSc/Fil.147**

Диссертация Жиззах давлат педагогика институтида бажарилган

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) веб-саҳифанинг
(www.navoiy-uni.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz)
манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Норматов Умарали

Ўзбекистон республикаси Фан арбоби
филология фанлари доктори, профессор,

Расмий оппонентлар:

Жўракулов Узок Хайдарович

филология фанлари доктори

Болтабоев Ҳамидулла Убайдуллаевич

филология фанлари доктори, профессор

Хасанов Шавкат Ахадович

филология.фанлари доктори,


Етакчи муассаса:

**ЎЗР ФА ўзбек тили, адабиёти ва
фольклори институти**


Ҳимоя 2020 йил, 18 июнь соат 11 да Алишер Навоий номидаги Тошкент
давлат ўзбек тили ва адабиёти университети хузуридаги илмий даражалар берувчи
DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 рақамли Илмий кенгаш онлайн йиғилишида ўтказилади.
Манзил: 100100.Тошкент ш., Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй.
Тел: (99871)281-42-44; факс (99871) 281-42-44, (www.navoiy-uni.uz).

Диссертация билан университетнинг асосий кутубхонасида танишиш мумкин.
Манзил: Тошкент ш., Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй.
Тел: (99871)281-42-44; факс (99871) 281-42-44, (www.navoiy-uni.uz).

Диссертация автореферати 2020 йил "16" июн да тарқатилди.
(2020 йил, 16 июн даги 7 - рақамли реестр баённомаси)


Н.С.Сирожиддинов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, фил.ф.д., профессор


Қ.У.Пардаев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, фил.ф.д.


Б.Н.Каримов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, фил.ф.д., профессор

КИРИШ (Докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Инсоният тамаддунида халқимиз тарихи каби унинг адабиёти ҳам ғоявий-бадий юксаклиги билан алоҳида ўрин тутди. Зеро, “Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз, улуғ аجدодларимиз, беқиёс бойликларимиз бор... насиб этса, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажагимиз, буюк адабиётимиз ва санъатимиз ҳам” бўлиши шубҳасиздир.¹ Бу- дунё аҳлини хайратга солган беназир шоир ва мутафаккир Алишер Навоий каби улуғ даҳоларимиз яратган мумтоз адабий меросимизнинг юксак эътирофи бўлиши билан бирга, уларнинг ворислари бўлган Бехбудий ва Фитрат, Қодирий ва Чўлпонлар асос солган XX аср ўзбек адабиётига нисбатан ҳам муносиб бир таъриф. Кўп асрли ўзбек адабиёти ва эстетик тафаккур тадрижи миллий ўзликни англаш ва маънавий юксалишнинг ҳам, шубҳасиз, муҳим омилидир.

Жаҳон адабиётшунослигида ва “собик Иттифоқ доирасидаги илмий асарларда эстетик тафаккур ривожидан, асосан, Европа ва Ғарб дунёсига ҳос ҳодиса сифатида баҳоланар эди”.² Миллий адабий-эстетик меросимиз ва тафаккуримизга исбатан бундай нообъектив муносабат ва ёвқараш “ўзбек адабий танқид ва адабиётшунослиги Октябрь инқилоби ғалабасидан кейин вужудга келган” деган мутлақо асоссиз ва ғайриилмий қарашларнинг шаклланиши ва кенг тарқалишига асосий бир сабаб бўлди. Ҳолбуки, жаҳон эстетик тафаккури ривожидан ўзбек адабиёти ва эстетик тафаккурининг ҳам муносиб ўрни бўлиб, бу мавзуни кенг тадқиқ этиш танқид ва адабиётшуносликнинг асосий ва долзарб муаммоларидан саналади.

Зотан, Абдулла Қодирий (1894-1938), Абдулла Қаҳҳор (1907-1968) ва Тоғай Муроднинг (1948-2003) адабий-эстетик қарашларини миллий ғоя ва Истиқлол тафаккури нуқтаи назаридан жаҳон адабиётшунослиги контекстида ўрганиш адабиётимиз ва маънавиятимиз ривожидан учун ҳам муҳимдир. Улуғ адибларимизнинг эстетик қарашларини уларнинг бадий ижоди билан яхлитликда ўрганиш ижодкор шахси ва истеъдодининг ўзига хослиги, миллий характер яратиш ва бадий тил маҳоратининг ижодий омиллари ва ҳаётий илдиз-манбаларини чуқур ёритишга ҳам имкон беради.

Бадий-эстетик тафаккур тадрижи мумтоз адабиётимиз, айниқса, ”бутун туркий оламда ва дунё цивилизациясида ҳам юксак мавқени эгаллаган буюк гуманист”³ Алишер Навоий ижоди ва эстетик анъаналарисиз қашшоқ ва саёз бўлар эди. Навоий бадий ижод оламида қанчалар улуғлик рутбасига кўтарилган бўлса, жаҳон адабий-эстетик тафаккур оламида ҳам шу қадар юксак мавқени эгаллайди. Буюк мутафаккирнинг бадиият, танқид-адабиёт шунослик ва тилшунослик соҳаларидаги беқиёс кашфиётлари ва ноёб асарлари самараси ўлароқ, ХУ-асрда бадий ижод ва эстетика соҳасида яхлит

¹Ш.М.Мирзиёев. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш-халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимиз ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувидаги маърузаси. “Жаҳон адабиёти”. №8. 2017, 8-б.

²Болтабоев Х, Маҳмудов М. Адабий-эстетик тафаккур тарихи. 1-жилд. Т.: “Мумтоз сўз”. 2013. 7-б.

³Sh.Sirojiddinov. World wide significance of literary heritage of Alisher Nav'oi. - Алишер Навоий ва XXI аср. Т.: 2018. 3-11-66.

бир таълимот вужудга келди. Жаҳон адабий-эстетик тафаккури ютуқларини камситмаган ҳолда Навоий яратган илмий-назарий таълимот сўз санъати ва нафосат илмининг кейинги асрлардаги тараққиёти учун ҳам ижодий дастуриламал бўлиб хизмат қилаётганини фахр билан таъкидлаш лозим. Таас суфки, тоталитар тузумда бу бебаҳо адабий-эстетик меросимиз моҳиятини тўла англаш ва уни муносиб қадрлашга имкон берилмаган.

Жаҳон адабиётшунослигида анъанавийлик ва новаторлик бадиий ижод ва эстетик тафаккур ривожининг объектив қонунияти сифатида ўрганилади. Буюк шоир ва мутафаккирнинг эпик анъаналари, ғоявий-эстетик қарашлари нафақат адибларнинг етук асарлари яратилишида, балки уларнинг ижодий маслак-этиқоди ва дунёқараши шаклланиши, бадиий маҳорати, тил ва услубининг бойишидаги улкан таъсири масалалари ҳам кенг ўрганилиши жамият маънавий ҳаёти учун ҳам зарурий эҳтиёждир. Бу ноёб меросимизни чуқур ўрганиш, буюк аллома ва мутафаккирлар ҳаёти ва илмий-ижодий фаолияти ҳақида яхлит тасаввур уйғотиш орқали ёш авлодни умуминсоний ғоялар, миллий ғурур ва ифтихор руҳида тарбиялаш-улуғ орзумиз. Мураккаб иқтисодий ва пандемия шароитида Тошкентда барпо этилган “Адиблар хиёбони” ҳам ана шу тарихий ҳақиқат ва эзгу мақсадларимизнинг ёрқин рамзий бир ифодасидир.

Навоий ижоди ва ғоявий-эстетик анъаналари Қодирий, Қаҳҳор ва Тоғай Муроднинг бадиий-эстетик тафаккури шаклланишида муҳим омил бўлиши билан бирга Истиклол даври адабиёти ва маънавияти учун ҳам юксак ижодий намуна. Бу илҳомбахш эстетик ақида ва анъаналар Қодирий, Қаҳҳор ва Тоғай Муродлар томонидан ижодий давом эттирилиши ва қудратли таъсири алоҳида ўрганилган эмас. Қодирийшунослик ва қаҳҳоршуносликдаги салмоқли тадқиқотлар, Тоғай Мурод ижодини ўрганишдаги ижобий натижаларга таянган ҳолда уларнинг муштарак эстетик қарашлари бадиий ижоди билан узвий боғлиқликда қиёсий аспектда ёритилиши ишнинг илмий аҳамиятини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил, 13 майдаги “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги, 2017 йил, 17 февралдаги “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил, 25 августдаги “Миллий ғоя тарғиботива маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги, 2017 йил, 13 сентябрдаги “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш тўғрисида”ги, 2019 йил, 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи вамавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари ва мазкур фаолиятга тааллуқли бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши нинг устувор йўналишларга мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи. Адабий-эстетик тафаккур муаммоларини ўрганиш бўйича муайян тажриба тўпланган, илмий тадқиқотлар яратилган.⁴ Адабиёт ва ижодкор шахс, эстетик тафаккур ва ижод жараёни, миллий характер ва сўз санъати масалалари соҳасида Жаҳон адабиёти институти (ИМЛИ), Москва давлат университети (МДУ, Россия), Анқара ва Истанбул университетлари (Туркия), Германия, АҚШ, Вильнюс (Литва), Озарбайжон ФА, Баку ва Ереван давлат университетларида олиб борилган тадқиқотларда адабий-эстетик қарашлар ва бадиий ижоднинг ўзаро боғлиқлиги муаммоси муайян даражада ўрганилган; Максим Горький асос солган “Биз қандай ижод қиламиз” рукни Толстой, Бальзак, Хемингуэй, Қодирий ва Қаҳҳор каби машҳур адибларнинг бадиий ижод жараёнини ёритувчи туркум асарлар билан самарали адабий-эстетик анъанага айланган.⁵ ЎЗР ФА ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, ЎЗР ФА Алишер Навоий номли давлат Адабиёт музейи, ЎЗМУ, СамДУ ва Алишер Навоий номли Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетларида адабиётимизнинг кўплаб намояндalари ижоди турли аспектда тадқиқ этилиб, жиддий натижаларга эришилмоқда;⁶ йирик адиблар ижоди поэтикаси ва етук асарлари яратилиши тарихини

⁴Тадқиқот мавзуси бўйича илмий адабиётлар шарҳи: <http://www.harvard.edu>; <http://www.universityofcalifornia.edu>; <http://www.dictonary.com>; <http://www.dessercat.com>; <https://simple.wikipedia.org/wiki/Novel>; <https://www.livelib.ru/book/about/lichnost-dostoevskogo-b-bursov>; https://ru.wikipedia.org/wiki/Бошқа_манбалар_асосида_амалга_оширилди. Die Literatur der Völker der Ziviltation. 1974. DtrMultinationale character der Ziviltation. 1975; История многонациональной советской литературы в 6 т. х. М.: ИМЛИ. 1971-1974 гг.; Храпченко М. Б. Творческая индивидуальность писателя и развитие литературы. М.: 1970. Ожлянский О. Рождение книги. М. Худ. лит. 1973. -302с.; Писатели США о литературе. М.: Прогресс. 1982. -458с.; Современное литературоведение США. Изд. МГУ. 1990. -280с.; Писатели Франции о литературе. М.: Прогресс. 1978. - 472 с.; Андре М. Литературные портреты. М.: Прогресс. 1971. -276 с.; Зарубежная эстетика и теория литературы XIX-XX вв. М.: 1987; Tautant Adab according to mir Alisher Navai. Алишер Навоий ва XXI аср. Т.: 2018.; Benedek PERI. Mir Alisher Navai and the first ghazal of hafiz. Алишер Навоий ва XXI аср. Т.: 2018; Literatura aus dem turkischen Sprachraum/ Das arabische Buch. Berlin. 1991; Sigrid Klienmichel. Die turksprachigen Literaturen der Gegenwart. eini Aufforderung zum Lesen. Das arabische Buch. Berlin. 1991; Ibrahim Agah Cubukcu. Turk-Islam dusuneleri. Ankara. 1989. -142 b.; Вали Саваш. Эркин Воҳидов шеърятига тил ва услуб. Фил. ф. д. дисс. Т.: 2007; Langenscheidts Grobwortebuch. Deutsch als Fremdsprache. Алишер Навоий ва XXI аср. Т.: 2018; S. Klienmichel. Alisir Navai uber das Lachen. Bamberg. 8-12 october 1991; Андроников И. А теперь об этом. М.: Советский писатель. 1985. -544с.; Бахтин М. Вопросы литературы и эстетики. М. Художественная литература. 1975. -384 с.; Цейтлин А. Г. Труд писателя. М.: 1969. -542 с.; Советские писатели Автобиографии т. 4. М. 1972. -720 с.; Сент-Бёв Ш. Литературные портреты. М.: Худ. лит. 1970; Бехер И. Р. В защиту поэзии. М.: Инос. лит. 1969. -287 с.; Школа мастерства. М.: 1960. -874с.; Мейлах Б. Талант писателя и творческие процессы. М.: 1969; Гамсун К о литературе. Голод. М.: Прогресс. 2011. -524 с.; Анализ литературного произведения. Л., 1976. Зарубежная эстетика и теория литературы XX в. М.: Изд. МГУ. 1987. -430 с.; Фрейд З. Психология бессознательного. М.: Просвещение. 1990. -447с.; Балдуаф И. XX аср адабиётига чизгилар. Т.: Маънавият, 2001. -Б 42.; Мирзаева З. XX аср ўзбек адабиётининг Америкада ўрганилиши. Т.: Akademiashr. 2017. -203 б. Богданов А. Н., Юдкевич Л. Т. Методика литературоведческого анализа. М.: 1969 -234 с.; Эккерман И. П. Разговоры с Гёте. М.: 1981; Выготский Л. Психология искусства. М.: 1987; Mykolas Lietuvis. A pietoturiu. Lietuviu ir maskvenu raprocius. Vilnius. 1966. -146 с.; Очерк развития эстетической мысли в Литве М.: 1972. -232 с.; Очерк развития эстетической мысли в Армении. М.: 1976. -280 с. Алимирзаев Х. Литературно-критические взгляды Д. Мамедкулизаде. Автореф. к. дисс. Баку. 1964. -26 с.; Kasimov U. Вопросы творческого влияния и новаторства. Теоретическая и прикладная наука. Филология. АҚШ. №12. 2019.;

⁵М. Горький о литературе. М.: ГЛИХЛ. 1955. -902 с.; Л. Н. Толстой о литературе. М.: ГЛИХЛ. 1955. -764 с.; Как работал Эрнест Хемингуэй М.: “Вопросы литературы”. №5. 1960; Гоголь Н. В. о литературе. М.: ГИХЛ, 1952. -176с.; Антонов С. Я читаю рассказ. М.: Мол. гвар. 1973. -256с.; Қосимов У. Эрнест Хемингуэй, Уильям Фолкнер. Нобель маърузалари. “Жаҳон адабиёти”. №7, 2001.; Бурсов В. Критика как литература Л.: 1987. -376 с.; Гамзатов Р. Мой Дагестан. М.: Худ. лит. 1969. -320 с.; Храпченко М. Б. Лев Толстой как художник. М.: 1971. -281с. Абдулла Қодирий. Диёри Бакр. Т.: Янги аср авлоди. 2007. -472 б.; Абдулла Қаҳҳор. Асарлар. 6-т. Т.: 1971. -488 б.; Абдулла Қаҳҳор. Ёшлар билан суҳбат. Т.: 1968, 144 б.; Ойбек. Асарлар. 9-т. Т.: 1979. 286 б.; Шайхзода М. Асарлар. 6-т. 1978; Асқад Мухтор. Ёш дўстларимга. Т.: 1980. Пиримкул Қодиоров Ўйлар. Т.: Ф. Фулом номли Адабиёт ва санъ. наш. 1971. -147 б.; А. Орипов Эҳтиёж фарзанди. Т.: Ёш гвардия. 1988. -218 б.; Носир Фозилов. Устозлар даврасида Т.: Ёш гвардия. 1988. -229 б.; Эркин Воҳидов. Изтироб Т.: Ўзбекистон. 1992. -332 б.; Ш. Қурбон. Э. Воҳидов сабоқлари. Алишер Навоий номли МКН. Т.: 2016. -156 б.; Ўткир Хошимов. Дафтар хошиясидаги битиклар Т.: 2016. -181б.; Эркин Воҳидов. То кўш сочгайки нур Т.: Ўзбекистон. 2018. -500 б.; Одил Ёкубов Сўз. “Шарк” НМАК. Т.: 2019. -464 б.;

санъатнинг юксак мезонлари асосида ўрганиш айниқса Истиклолдан кейинги йилларда танқид ва адабиётшунослигимизнинг етакчи тамойилига айланди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор ва Тоғай Мурод ижодининг турли қирралари ёритилган илмий-танқидий асарлар ва тадқиқотлар яратилган,⁶ диссертациялар ҳимоя қилинган.⁷ Улар адабиётшуносликда салмоқли ўрин тутади. Бизнинг 1978 йилдаги номзодлик диссертациямизда Абдулла Қаҳҳор адабий-танқидий меросини ўрганиш мавзу қилиб олинган бўлса-да, унда муаммоларга ўша даврдаги ҳукмрон партиявийлик, синфийлик ва соцреализм принциплари асосида ёндашилган, таҳлил ва хулосалар ҳам мафкуравий стереотипларга мослаштирилган. Истиклол тафаккури нуқтаи назаридан уларни қайта баҳолаш зарурати туғилади.

Тадқиқотчи Л.Тошмухамедованинг диссертациясида Абдулла Қодирийнинг муҳим адабий-эстетик принциплари, адиб ижодида реализм, ҳажвийёт ва кулгининг ўрни каби жиҳатлар ёритилган. Аммо бу адибларимизнинг нодиристеъдоди, маслак-этиқоди ва бадий ижодибилан эстетик қарашларининг уйғун-яхлитлиги ва муштараклиги муаммоларини илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этиш мақсад қилиб қўйилмаган. Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор ва Тоғай Муроднинг эстетик қарашлари тизимли равишда умумлаш тирилиб, бадий ижоди билан синтезлашган бир бутунликда ўрганилиши ва уларнинг XX аср адабиёти ва адабий-танқидий тафаккури ривождаги ўрни ва аҳамиятини жаҳон адабиётшунослиги контекстида ёритиш мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Жиззах давлат педагогика институтистикболли илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Ўзбекадабиёти, танқиди тарихи ва бадий маҳорат масалалари” йўналиши доирасида бажарилган.

⁶Боролина И.Абдулла Қаҳҳор.Т.:1957.-202с.Биография замысла.Т.:1974;Абдулла Қаҳҳор и его художественный мир.Т.:Фан.1989.-176 с. Ойбек.Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли. Асарлар..9-т.Т.:Фан.1978; Султон И. Абулла Қодирий. Асарлар.2-т.Т.:1972.; КўшжоновМ.Ўзбекнинг ўзлиги.Т.:Халқ мероси, 1994.136 б.; Абдулла Қаҳҳор маҳорати.Т.:1988.-376 б.;Турдиев Ш. Абдулла Қодирий. Т.: 1961;Кўшжонов М,Норматов У.Маҳорат сирлари.Т.:1968.-220 б.;Мирвалиев С. Ўзбек романи.Т.: Фан,1969.-314 б. Мирвалиев С.Абдулла Қодирий кашфиёти.Т.: “Mashhur-Press”, 2018.-198 б.; Смирнова В.Абдулла Қаҳҳор. М.:1967; Қодиоров П. Абдулла Қаҳҳор. Танл.асар.1 т.Т.:1957; Х.Абдусаматов.Абдулла Қаҳҳор.Т.:1960; Султонова М. Абдулла Қаҳҳор услуби. Т.: 1967.; Шарафидинов О.Истеъдод жилolari. Т.:1976.; Ўша муаллиф.Абдулла Қаҳҳор.Т.:1988.-368 б. Абдулла Қаҳҳор замондошлари хотирасида.Т.:1987.; XX аср ўзбек адабиёти тарихи. Т.:1999; Каримов Н.ХХ асрадабиёти манзаралари.Т.:Ўзбекистон,2008.-536б.;Умуров Х. Бадий ижод асослари.Т.:Ўзбекистон,2001.-120б.Куроноф Д. Чўлпон насри поэтикаси. Т.:Шарқ,2004.-287 б.; Қўчқоров Р.Истеъдод кадри. Т.:1989.-108 б.Расуллов А.Бадийлик-безавол янгилик. Т.:Шарқ,2007;336 б. Болтабоев Ҳ.Маҳмудов М. Адабий-эстетик тафаккур тарихи.1 ж. Т.:Mumtoz so'z,2013.400 б.; Жўракулов У.Худудсиз жилва.Т.Фан,2008.202б.Қ.Йўлдошев. Ёниқ сўз. Т.Янги аср авлоди.2006. Қ.Йўлдош ва бош.Кийик сўқмоқдаги йўловчи.Т.ЎМЭ.2014.192 б.Адабиётимиз фаҳри.Т. Ўзбекистон. 2007; Солижонов Й.Сўз зарғари.Т.2007; Қ.Қаҳҳорова.Чорак аср ҳамнафас.Т.2007.Ёкубов И.Бадий сўз сеҳри. Т.:2011; Ўлжабоев У.Замон талаби ва ижодкор масъуллиги . Т. Ўзбекистон. 1912.376 б.; Абдулла Қаҳҳор: Шахс ва ижодкор. Т.Tamaddun.2013.212 б.; Қўчқорова М. Абдулла Қаҳҳор истиклол адабиётшунослиги кўзгусида. Т.:Академнашр.2018.256 б; Мелиев С.Салбий қахрамонлар полифонияси.- Абдулла Қодирий ижодининг ижтимоий-маънавий-маърифий аҳамияти. Республика илмий конференцияси материаллари.Т.: Академнашр.2019.102 б;

⁷Умуров С.Абдулла Қаҳҳор ҳикояларида бадий деталь.Фил.ф.к.дисс.Т.:1967;Касимов У.Литературно-критическое наследие Абдуллы Қаҳҳора и вопросы художественного мастерства в узбекской литературе.дисс.к.ф.н.М.:1978.165 с; Қўчқоров Р.Абдулла Қаҳҳор романлари ижодий тарихи.Фил.ф.н.дисс. Т.:1991; Содиков С.Абдулла Қаҳҳор ва адабий танқид.Фил.ф.д.дисс.Т.:1997; Зиёдуллаева Н.Ўзбек адабиётшунослигида ижодкор биографиясини ўрганиш муаммолари.Абдулла Қаҳҳор ҳаёти ва ижоди асосида. Фил.ф.н.дисс.Т.2000; Каримов Б.ХХ аср ўзбек адабиётшунослигида талқин муаммоси. (Қодирийшунослик асосида) Фил.ф.д.дисс.Т.:2002.-304 б.; Тошмухамедова Л. Абдулла Қодирийнинг адабий-эстетик қарашлари. Фил.ф.н.дисс.Т.:2005.-143 б.; Тўлаганова У.Тоғай Мурод насрида ритм. Фил.ф.н.дисс.авторреферати.Т.: 2005.24 б.; Ҳамдамов У. XX аср ўзбек шеърини бадий тафаккур тадрижининг ижтимоий-психологик хусусиятлари. Фил.ф.д.дис.Т.: 2017.-252 б.;Тўлаганова С.Ижодкор шахси ва қахрамон муаммоси .Абдулла Қодирий ижоди мисолида. Фил. ф.д.дисс. Т.:2019.-242 б.; Бурхонова Ф.Муаллиф адабий-эстетик қарашлари ва ижодий параллелизм. Фил. ф.н.дисс. авторреферати. Т.:2019; Сувонов З. Тоғай Мурод ижоди поэтикаси. Фил.ф. н.дисс.авторреферати. Т.:2019.-48 б.

Тадқиқотнинг мақсади: Адабиёт ва эстетик тафаккур тадрижи ўзликни англаш ва маънавий юксалишнинг ҳам муҳим омили эканлигини Навоий анъаналари, Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор ва Тоғай Муроднинг эстетик қарашлари мисолида ёритиш; Адибларнинг эстетик қарашлари шаклланиши ва такомилидаги ҳаётий ва маънавий-руҳий илдиз, манбаларни уларнинг ўзига хос истеъдод характери, бадиий ижоди ва етук асарларияратилиши билан узвий боғлиқликда ўрганиш, уларнинг ўз даври ва бугунги бадиий-эстетик тафаккур ривожигаги ўрни ва аҳамиятини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари: Қодирий, Қаҳҳор ва Тоғай Муроднинг адабиёт, ижодкор шахс, адабий таъсир, анъана ва новаторлик, миллий характер тасвири, бадиий тил ва услуб масалаларига оид муштарак эстетикқарашларининг ҳаётий ва адабий-тарихий асос-манбаларини қиёсий таҳлил асосида адабий жараён контекстида ёритиш;

Бадиий ижод ва эстетик қарашлари консолидацияси, назария ва амалиёт бирлиги яхлитсинтезлашган маънавий-руҳий олам эканлигини уларнинг етук асарлари яратилиши жараёни ва таҳлили мисолида асослаб бериш;

Адиблар ижоди ва эстетик қарашлари шаклланиши ва ривожига Навоий эстетик анъаналарининг ўрни ва ижодий ворисийлик масалаларини тарихий-қиёсий аспектда ёритиш;

Қодирий, Қаҳҳор ва Тоғай Мурод шахси, ҳаётидаги автобиографик унсурлар ва яратган қаҳрамонлари билан муайян ижтимоий ва маънавий-руҳий яқинлик каби жиҳатларни бадиий-эстетик талқин ва таҳлиллар орқали илмий-назарий асослаш.

Тадқиқот объекти: Адиблар адабий-эстетик қарашлари акс этган манбалар: Абдулла Қодирийроманлари, “Диёри бақр” тўплами, адиб ҳақидаги хотиралар; Абдулла Қаҳҳорнинг 6 ва 5 жилдли асарлари (1967-1971; 1987-1989) ва “Ёшлар билан суҳбат”нинг икки нашри (1968, 2017); Тоғай Мурод қисса, романлари, ҳикоя ва мақолалари, адиб ҳақидаги “Мен қайтиб келаман” (2007) хотиралар тўпламлари ҳамда адибларнинг архив материаллари, хат ва ёзишмалари муҳим манба сифатида танланди. Мавзу доирасида рус ва форс-тожик адабиёти намуналари ҳам қиёсий таҳлилга тортилган.

Тадқиқотнинг предметини Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор ва Тоғай Мурод бадиий-эстетик қарашлари муаммоси эстетик категория сифатида танқид ва адабиётшунослиқда ва адабий жараён контекстида муҳим ўринга эгаллиги; адиблар ҳаёти ва ижодига доир илмий-адабий, тарихий ва бадиий манбалар ташкил этади.

Тадқиқотнинг методологик асоси: ишда тарихий-қиёсий, социологик, компаративистик, аналитик-эстетик, биографик ва психологик методлардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги: Қодирий, Қаҳҳор ва Тоғай Мурод адабий-эстетик қарашлари яхлит концептуал тизим шаклида умумлаштир илиб, бадиий ижоди билан узвий боғлиқликда ўрганилган, адабий-танқидий ва эстетик тафаккур ривожигаги ўрни ва аҳамияти ёритилган;

Навоий даврида илми бадеа, илми нақд ҳам ривожлангани ва у жаҳон адабий-эстетик тафаккури тадрижида юксак босқич эканлигини кўрсатиш орқали “Ўзбек танқид ва адабиётшунослиги Октябрь инқилобидан кейин пайдо бўлди” деган қарашларнинг асосsizлиги исботланган;

1960-1990-йиллардаги Адабиёт, Адабиёт назарияси ва Адабий танқид дарсликларидаги марксизм-ленинизм таълимоти ҳақидаги нообъектив таъриф-таъсифлар ва ғайриилмий қарашлар танқидий баҳоланган;

Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор ва Тоғай Муродлар маънавий-руҳий озикланган ва илҳомланган мумтоз адабий, диний мерос ва Навоий эстетик таълимотига нигилистик қарашлар мустабид тузум ва машъум сиёсат оқибати эканлиги далилланган;

Қодирий “романлари Октябрь революцияси самараси” деган қарашлар асосsizлиги тарихий-илмий жиҳатдан далилланган; Бу романлар “табиатан туғма эпик ёзувчи”нинг (Ойбек) ноёб истеъдоди, ўтмиш воқеаларини теран бадиий мушоҳада этиш ва ҳаққоний тасвирлаш маҳорати маҳсули, муаллиф “субъектив-ички фаолияти натижаси” эканлиги ижод жараёни, эстетик қарашлари ва адиб эътирофлари асосида исботланган;

Қаҳҳор асарлари ғоявий-бадиий савияси, ижодий эволюцияси ва адабиёт моҳиятини англашдаги илқ ва юксалиш босқичлари (86 ҳикоясидан 60 тасини тўпламларига киритмагани сабаби) ҳам адиб эстетик қарашлари такомилли ва бадиий маҳоратининг ўзаромутаносиблиги билан изоҳланган;

Сўнгги 60 йил давомида Абдулла Қаҳҳор асарлари нашрларининг биронтасига ҳам киритилмаган ва оммага деярли маълум бўлмаган айрим асарлари ва хат-ёзишмалари ҳам адабий жараён контекстида ўрганилган ва улар илмий истифодага олиб кирилган;

Абдулла Қаҳҳор уй-музеи архивидаги асарлар, ён дафтарлар ва мактублар адиб адабий меросининг узвий қисми эканлиги ва уларнинг адабиётимиздаги муҳим ўрни очиқ берилган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари: Бадиий ижод ва эстетик қарашлар уйғунлиги ва консолидацияси адабиёт ривожининг асосий бир омили, зарурий шарт ва илҳомбахш замини эканлиги очиқ берилган; Адабий-танқидий қарашлар давр ва ижодий муҳит билан боғлиқлиги, замонавийлиги, бадиий-эстетик тафаккур ривожига ўрни қиёсий таҳлил асосида ёритилган;

Адабий-эстетик қарашлар тадрижини тадқиқ этиш бўйича хулосалар адабиётшунослик учун янги илмий-назарий маълумот, хулосалар бериши, ўзбек адабиёти, адабиёт назарияси ва танқид бўйича дарслик-қўлланмалар такомиллашувида манба бўлиши асосланган;

Қодирий, Қаҳҳор ва Тоғай Муроднинг эстетик қарашлари ҳаётийлиги, ҳаққонийлиги ва муштараклиги уларнинг машҳур асарлари таҳлили билан далилланган; улар бугунги адабиёт, танқид ва адабиётшунослик раўнақи йўлида ўзига хос ижодий маҳорат мактаби вазифасини ўташини ёритиш ҳамининг илмий-амалий натижаларидан биридир.

Қодирий ва Тоғай Муроднинг табиат ва инсон руҳиятини тасвирлашдаги миллий ўзига хослиги, ижодий муштараклиги ва бадиий маҳорати жаҳон

адабиёти намояндалари - М.Шолохов ва Ч.Айтматовнинг машхур асарлари билан қиёсий таҳлил асосида кўрсатиб берилган;

Қодирий, Қаҳҳор ва Тоғай Мурод ҳаёти ва ижодий биографиясига оид тарихий, адабий манбалар ва замондошлари хотираларидаги муҳим маълумотлар асосида адиблар ижоди ва етук асарларининг илмий, қиёсий таҳлил ва талқинлари кенгайтирилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилгани, илмий-назарий хулосалар тарихий-қиёсий, биографик, аналитик-эстетик таҳлил усуллари орқали асослангани, ишончли адабий ва архив манбалари, интернет маълумотлари ҳамда адабиётшунослик бўйича луғатлардан фойдаланилгани билан ҳам изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Адабий-эстетик тафаккуртадрижи муаммоси Қодирий, Қаҳҳор ва Тоғай Мурод ижоди асосида изчил ва тизимли ўрганилгани ва бадиий ижоди билан бир бутунликда ёритилгани адабиётшуносликда муайян қимматга эга бўлиб, адабиёт ва танқидчилик учун ҳам фойдали бўлиши мумкин;

Ўзбек адабиёти жаҳон миқёсида муносиб ўрин эгаллашида Қодирий, Қаҳҳор ва Тоғай Мурод эстетик қарашлари ҳам муҳим асос, ижодий бир дастур бўла олиши далилланган;

Тадқиқот натижалари адабиёт, эстетик тафаккур, ижодкор шахси, давр ва истеъдод, анъана ва новаторлик, миллий характер, бадиий тил ва услуб муаммоларини ўрганишда, адиб ижоди ва эстетик қарашларини узвий боғлиқликда ёритувчи фундаментал тадқиқотлар яратишда илмий-назарий асос бўлиб хизмат қилади;

Диссертация материали ва илмий хулосалари олий ўқув юртлари, умумтаълим мактаблари ва академик лицейлар учун ўзбек адабиёти ва танқиди бўйича дарслик ва қўлланмалар яратишда, махсус курс ва семинарлар ўтказишда манба бўлиши мумкин;

Тадқиқотда илгари сурилган бадиий-эстетик, илмий-назарий қарашлар тизими ва умумлашма-тўхташлар Адабиёт тарихи, Адабиёт назарияси, Адабий танқид каби фан соҳаларини илмий, тарихий жиҳатдан тўлдириш ва бойитишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қодирий, Қаҳҳор ва Тоғай Муроднинг бадиий-эстетик қарашлари ва адабий жараён муаммосини муҳим адабий-эстетик категория сифатида ўрганиш, адиблар ижоди ва эстетик қарашларининг тарихий, ғоявий-руҳий омилларини аниқлаш, эстетик ақидаларнинг ижтимоийлашуви, бадиий асарларда зухурланиши жиҳатидан ўрганиш асосида амалиётга тадбиқ этишга эришилган;

Қодирий, Қаҳҳор ва Тоғай Мурод ижодини жаҳон адабиёти контекстида ўрганиш бўйича хулосаларидан Ф-1-ФҚ-055213 шифрли “Абдулла Қаҳҳор дастхат-қўлёзмалари асосида асарларининг илмий-қиёсий матнларини тайёрлаш ва нашрга ҳозирлаш” фундаментал тадқиқот гранти бўйича бажарилган “Абдулла Қаҳҳор: шахс ва ижодкор” тадқиқотида фойдаланилган ва унинг мазмун савияси оширилган;

“Ўзбек адабий танқиди ХХ аср” Антологиясида ва А-1-059 шифрли амалий лойиҳа бўйича “Абдулла Қаҳҳор истиқлол адабиётшунослиги кўзгуси да” асарларида фойдаланилган ва улар мазмунан бойитилган; (Маданият вази рлиги ва А.Қаҳҳор Уй-музеи №01-12-10-1028 сонли маълумотномалари)

Тадқиқот натижаларидан Жиззах давлат педагогика институти “Ўзбек тили ва адабиёти” йўналишида Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор ва Тоғай Мурод ижоди бўйича магистрлик ва Битирув малакавий ишларида фойдалан илган ва ушбу ишлар мазмуни кенгайган; Ўзбек адабиёти, Адабий танқид ва Адабиёт назарияси фанларини ўрганишда манба сифатида фойдаланилган;

Жиззах шаҳри ва Ш.Рашидов, Пахтакор ва Дўстлик туманларидаги №4,6,10,19,5,8,10,16,21,29-умумтаълим мактабларида, вилоят кутубхонаси, институт қошидаги Академик лицей, “Ҳамид Олимжон ва Зулфия ижодий мактаби” ва “Умид” лицейида ўтказилган илмий-адабий анжуманларда фойдаланилган, ёшларнинг адабиёт ва эстетик тафаккур бўйича билим савиясини кенгайтиришга ёрдам бергани эътироф этилган; (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг №89-03-688 сонли ва Жиззах ДПИ 8.01.2020 йил маълумотномалари)

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ва Жиззах вилояти телерадио компаниясининг “Машҳур шоир ва ёзувчилар ижоди”, “Китобхонлик маданияти”, “Абадий кўшиқ”, “Тил борки-миллат барҳаёт” кўрсатувлари дастури, сценарийлари мазмун-савияси янги илмий-адабий манбалар билан бойитилгани эътироф этилган; (Ўз.Миллий ТРКнинг №02-10-475 сонли ва №1247-51 сонли маълумотномалари)

Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2017-2019 йиллардаги ФЗ-2016-0915132102 шифрли “Шарқ ренессанси даври алломалари ва мутафаккирлари асарларининг илмий-фалсафий ва бадиий-лингвистик тадқиқи” лойиҳаси доирасида ҳамда Ёзувчилар уюшмаси Жиззах вилояти “Сангзор мавжлари” ижодий марказида фойдаланилган ва тингловчилар билими кенгайишига эришилган; (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг №01-03-06/223 сонли маълумотномаси)

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 28 та илмий-амалий анжуманда, шу жумладан, 6 та халқаро ва 22 та республика илмий ва онлайн конференцияларида жамоатчилик муҳокамасидан ўтган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича 54 та илмий иш чоп этилган: 2 та монография, 2 та ўқув-услубий мажмуа, 5 та илмий-адабий тўплам ва рисола, Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган республикажурналлари ва илмий-адабий тўпламларда 22 та, хорижда 2 та, бошқа нашрларда 24 та мақола эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш ва беш асосий боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Умумий ҳажми- 225 саҳифа.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, мавзунингреспублика фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, уларнинг илмий-амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ҳамда диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Биринчи боб **“Истиқлол ва бадиий-эстетик мерос”** икки фаслдан иборат, илк фасл **“Адабий-эстетик мерос ва давр”** деб номланган. *Адабий-эстетик меросга муносабат*. Жамият ҳаётининг турли даврларида турличабўлган. Кўп асрли ўзбек адабиёти ва адабий-эстетик тафаккур тадрижини Навоий ижоди ва эстетик анъаналарисиз тасаввур этиб бўлмайди. Улар Қодирий, Қахҳорлар бадиий-эстетик тафаккури шаклланишида муҳим омил ва манба бўлиши билан бирга бугунги адабиёт ва маънавият учун ҳам ижодий намуна. Навоий асарлари нафақат “инсоншунослик, ҳақпарастлик ва адолатпарастлик ғоялари”, балки эстетик қарашлари билан уйғун-яхлитлиги билан ҳам ибратли. “На замону замин, на мазҳабу дин ва на ижтимоий тузуму сиёсий туркум жиҳатдан чекланган Навоий бадиий-эстетик мероси инсоният хизматиға қаратилган”.⁸

Шўро даврида бой тарихимиз ва адабиётимиз холисона ўрганилмаган. Октябрь “инқилобигача бўлган давр ўзбек адабиёти хон ва беклар учун ёзилган сарой шеърятидан, диний мазмундаги асарлардан иборат”,-деб, қораланган. Яссавий каби улуғ сиймолар ижодига ёвқараш “Ўзбек адабиёти тарихи” (1976,1980) ва “Адабиёт назарияси”(1978) дарсликларида ҳам акс этган: “диний-мистик адабиёт ҳамма вақт ва ҳамма жойда реакцион роль ўйнаган”.⁹ Хатто Навоийни сохталаштириш, меросини менсимаслик, ва нигилизм кучайган. Чўлпон “Улуғ ҳинди” (1925) мақоласида Навоий, Бойқаро, Умархон ва Фазлий барчаси бир хил дейиши ҳам Навоий даҳоси англамагани оқибати.¹⁰ XX аср бошида Навоий ҳаёти ва ижоди ҳақида бирорта мақола ҳам ёзилмаган.¹¹

Мумтоз адабий ва диний меросга ноҳақликлар Бобурнинг улкан ижтимоий-сиёсий фаолияти ва беқиёс адабий меросига нисбатан ҳам бўлди. 80-йиллардаги компартиянинг тақиқ - хуружлари, П.Қодировнинг “Авлодлар довони” романи нашрдан тўхтатиб қўйилгани ҳам тоталитар тузум ва маккор мафкуранинг сиёсий найранги эди. Мафкуранинг зўравонлик сиёсати авж олганини 80-йилларда Сўфи Оллоёр шахси ва меросини чуқур ўрганган Тоғай Муродга бўлган тазйиқ мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу мудҳиш воқеа тафсилоти ва Тоғай Муродга нисбатан ноҳақликлар “Мен қайтиб келаман”

⁸ Комилов Н.Маънолар оламиға сафар.Т.:2012.178-б. Рустамов А.Алишер Навоий хикматлари. Т.:1985. 3-б.

⁹ Икрамов А.Избр.соч. т.2,1973.с.515.; Маллаев Н.Ўзбек адабиёти тарихи.Т.:1976.134-б.Адабиёт назарияси.Т.:Фан.1-т.1978.29-б.

¹⁰ Чўлпон. Адабиёт надир. Т.: Чўлпон нашриёти.1994.57-б.

¹¹ Каримов Н.Навоийшунослик фанининг шаклланиши.Т.:ЎТА.1.5-б.

(2007) хотиралар китобида ҳам ёритилган. Тоғай Мурод ўша даврда “Хали кўрасизлар, яқин қолди. Одамлар ислом маърифатига қайтади. Ҳар бир хонадонда Қуръон китоби осифлиқ туради”, - дейиши маънавий бир жасорат бўлган.¹² Булар ҳам-манфур мафқураининг адабий меросимиз ва маънавий кадриятларимиз, истеъдодларга нисбатан жоҳиллик ва адолатсизликларига-далил. Сўфи Оллоёр “Сабот ул-ојизин” китоби Ўрта Осиёда дарслик сифатида ўқитилган.¹³ Абдулла Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” романида Раъно “Ҳафтияк”, “Қуръон”, “Чаҳор китоб”, “Сўфи Оллоёр”, “Маслаки муттақин”; Навоийнинг барча асарлари”ни ўзлаштиргани ҳам ўша даврдаги маърифий анъаналар ифодасидир.

Дунёвий ва исломий маърифат. Шу муносабат билан Қодирий асарлари ва образлари маънавий-руҳияти миллатимиз тақдири билан боғлиқ эканлиги хусусида кенгрок фикр юритиш зарурати туғилади. “Зукко халқ учун ёзилган, халқона баҳо ва талқин, психологик ҳолатлар таҳлили”¹⁴ устувор бўлган илк ўзбек романи- “Ўткан кунлар” халқимиз томонидан севиб ўқиладиган кунлари М.Шевердиннинг машъум мақоласи чоп этилган: “Ўзбекларнинг биринчи романи-Қодирий романи ғоявий жиҳатдан бизга ётдир. унда эскича одат, Қуръон, ўтмиш, “олижаноб қадим замонлар” тарғиб қилинади. Муаллифнинг ғоявий хатолари бирмунча зарарсизлантирилгандан кейингина романни ўрис китобхонига тавсия этиш мумкин.” (“За партию” журнали, 1928 №3, 88-96-бб.) Бу нафақат Абдулла Қодирий ижодига, балки миллатимизга, дину-эътиқодимизга ва ўтмиш маданий меросимизга нисбатан ғаддор тузум сиёсати ва разолатининг манфур бир кўриниши эди.

“Ёзувчи,-дейди Абдулла Қаҳҳор, келажакнинг махсус муҳбири бўлиши керак”. Абдулла Қодирий улкан истеъдод соҳиби бўлиши билан бирга исломий маърифатдан, Қуръондан яхши таълим олган, имон-эътиқоди мустаҳкам, чин зиёли ижодкор бўлгани учун ҳам миллатимиз келажакини ўқишда, илму урфонда кўра олган. Жаҳолатдан қутулиш йўли илм-маърифат эканлигини юз йиллар олдин “Миллатимга бир қарор”¹⁵ каби асарларида ифодалаган Қодирийнинг адабий-эстетик қарашлари, мумтоз адабиётимиз, хусусан, Навоий ижодига ихлос-эътиқоди кўплаб асарларида ва улардаги асосий қаҳрамонлари орқали ҳам акс этиб туради. Қодирий қаҳрамонларининг юксак инсоний фазилатлари, бой маънавият ва руҳияти диний ва бадиий китоблар билан ҳам шаклланигани бугунги ёшларга ҳам ибрат бўла олади. Хусусан, Кумуш ва Раънодек мукамал қизлар образларини яратишда ёзувчи, баъзи адабиётшунослар айтганидек, Гоголдан ё В.Скотт ва Ж.Зайдон асарларидан эмас, балки аввало халқ оғзаки бадиий ижоди ва Навоий дostonларидаги ёрқин тимсоллардан, шубҳасизки, комил инсон бобида Қуръон ва Ҳадисларнинг тасаввуфona талқинларидан ҳам таъсирлангани ҳақиқатга яқин; машҳур файласуф Муҳйиддин ибн ал-Арабий Аллоҳнинг

¹² Мен қайтиб келаман. Тоғай Мурод замондошлари хотирасида. Т.: Янги аср авлоди. 2007. 132-б.

¹³ Сирожиддинов Ш. Сўфи Оллоёр илоҳиёти. “Жамият ва бурч”. Т.: 2001. 78-б.

¹⁴ Жўрақулов У. “Ўткан кунлар” да девона образи талқинлари. Абдулла Қодирий ижодининг ижтимоий-маънавий-маърифий аҳамияти. Т.: 2019. 47-б.

¹⁵ Абдулла Қодирий. Дниёри бақр. Т.: 2007. 22-б. Кейинги ўринларда ушбу манба қавс ичида берилади.

тажаллиси хусусида шундай дейди:”Ишқнинг сабаби гўзалликдир. Аллоҳни севамиз, чунки у гўзалдир. Аллоҳ ҳам бутун яратикларини севар, чунки яратикларда гўзалдир.” Анвар ва Раънонинг шеърий айтимларидаги Фарҳод-Ширин, Лайли-Мажнунлар талмеҳ санъати намуналаригина эмас. Уларнинг мумтоз адабиёт дурдоналаридан мутаассир бўлиши орқали ҳам адиб улум мақсадларни кўзлаган. Раъно диний китоблар, Навоийнинг барча асарлари, “Девони Фузулий, Лайли ва Мажнун”, ўзбек катта шоирлари асарлари; форсийдан Ҳофиз Шерозий ва Мирзо Бедил; хуснихат, иншо ва қофия (араб наҳв ва сарфи) Саъдий “Гулистон”идан дарс олиши, шоирлар асарларидан мажмуа тузиши, ўзи ҳам манзумалар тўқиши” каби нозик тавсифлари замирида ҳам адибнинг муҳим ғоявий-бадий нияти мужассам (396-б).

Қодирий бадий-эстетик тафаккури ва гуманистик дунёқарашининг самараси бўлган ва унинг асарларида етакчи ўрин тутган бундай эзгу ғоя ва тасвирлар ўз даврида ҳам, бугун ҳам устувор аҳамиятга эга эканлигини буюк устозлар ижоди ва юксак санъатининг етук издоши бўлган Эркин Воҳидов фикрлари билан далиллаш мумкин: ”Ёшларимизнинг билимлари жуда бир томонлама. Узоққа бормай, дунёвий фанларнинг отаси фалсафани олайлик. Фалсафа деганда, биз фақат марксизм-ленинизмни тушунамиз, чунки фақат шуни ўргатишади. Тарих илмимиз ҳам ана шундай аянчли ахволда. “Қуръон”, ”Таврот”, “Инжил”ни биламизми? Уларни ҳатто мана мен деган олимларимиз ҳам очиб қарашмаган. Ҳар қандай даҳрий ҳам ота-боболари мизнинг дунёқарашини, фалсафасини, орзу-армонларини ўз ифодасини топган бу қадимий китобларни чуқур ўрганмоғи керак.”¹⁶ Ушбу қиёс орқали ҳам Қодирий ўз романлари ва адабий-эстетик сабоқлари билан халқ ҳаёти, орзу-аъмолларини ҳаққоний тасвирлаш, миллий характерлар ва уларнинг ўй-кечинмаларини ёрқин ифодалаш, ўзбек, араб ва форс тиллари бойликларидан моҳирона фойдаланиш намуналарини яратиб берганлиги таъкидланади.

Тарихий сиймолар ва адабий меросга нигилистик ёндашув XIX аср ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида муносиб ўринга эга бўлган Феруз шоҳга муносабат мисолида ҳам кўрсатилган. Абдулла Қаҳҳорнинг “Ашула тўғрисида” (1962) мақоласида Камтар, Ямин Қурбон ва Маъруф Қориев каби шоирларнинг элга манзур қўшиқларга айланган шеърларининг ҳаётий ғоявий-бадий мазмуни таҳлил этилади. Хоразм шоҳ Муҳаммад Раҳимхон Ферузнинг халқ ҳаёти, адабиёт ва маънавиятимиз ривожига улкан хизматлари тўғри ёритилади: ”Феруз машҳур лирик шоир, мусиқашунос, композитор, яхши таржимон. Умархон сингари ўз замонасининг шоирларини ўрдасига йиққан, 1873 йилда босмаҳона сотиб олиб, Хоразмда биринчи китоб бостирган одам. Шу одамни юз йилдан кейин қора курсига ўтқазиб, совет қонуни билан суд қилишдан нима мурод ҳосил бўлади”.¹⁷ Адабий-эстетик тафаккуримиз ривожига муносиб ўрин тутувчи бундай мақолалар бугун ҳам танқид ва таҳлилнинг бир намунаси бўла олади. Ферузнинг “Элга шоҳу ишққа қул” девони ва “Феруз гулшани” ҳамда муҳим тарихий манбалар ҳам

¹⁶ Эркин Воҳидов. Изтироб. Т.: Ўзбекистон. 1992. 48-б.

¹⁷ Абдулла Қаҳҳор. Асарлар. 6-т. Т.: 1971. 399-б. Кейинги ўринларда ушбу манба қавс ичида берилади.

Абдулла Қаҳҳор фикрлари нечоғлик асосли эканлиги ва улар нафақат ўз даври учун долзарб аҳамият касб этиб қолмай, балки Истиклол тафаккури ривожини учун ҳам зарурлигини кўрсатиб туради.¹⁸

Мустамлака даври фожеалари. Яқин ўтмишнинг бу фожеали даври ҳақида академик Н.Каримов халқимизнинг ўкинч-армонларини ифодалаб, шундай ёзади: "Агар халқнинг ижодкор кучлари уйғониб, маърифат, маданият нурларидан баҳраманд бўлган халқни ўз ортларидан етаклай олганларида ва халқ, Чўлпон айтганидек, қудратли денгизга, қудратли тўлқин, қудратли кучга айланганида, 1937 йил ҳам, 1917 йил ҳам, 19-асрнинг мудҳиш 60-йиллари ҳам тарихга халқнинг қора саналари сифатида кирмаган бўларди. Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Усмон Носирлар омон қолган бўларди"¹⁹ Истиклол йилларида ўтмишадабий меросимизни халқимизга қайтаришдек эзгу ишлар адабиёт ва тафаккуримизни бойитмоқда. Адабиётшунослар айтганидек, Яссавий ғоя-ақидалари яхшилик ва эзгуликка бошловчи умуминсоний хислатлардир.²⁰

Мустақиллик йиллари Навоийни англаш янги бир босқичга кўтарилгани ҳам адабий-эстетик тафаккуримиз ва маънавиятимиз ривожидан ёрқин далолат. Навоийнинг улкан истеъдоди ва беқиёс ҳақгўйлигининг ёрқин ифодаси бўлган асарлари Қодирий ва Қаҳҳор каби адиблар ижодига ва ижтимоий-эстетик позициясига ҳам кучли таъсир кўрсатгани айни ҳақиқат. Бу жиҳатдан Абдулла Қодирийнинг 1926 йили суддаги "Мен тўғрилиқ орқасида бош кетса "их" дейдирган йигит эмасман" деган мардона сўзлари, Юсуфбек хожи, Отабек ва Анвар каби қаҳрамонларининг халқ ва ҳақ йўлида изтироб чекиши ва фавқулодда катта жасорат билан ўлимга тик бора олгани ҳам ҳаётининг ва ижодий ибратдир.

Ёхуд 1956 йилдаги катта сиёсий йиғинда Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси партия ташкилоти бошлиғини "ўзбек адабиётининг жаллоди" деб айта олган Абдулла Қаҳҳор жасорати ва 1967 йили нуфузли минбарда туриб, партиянинг улкан арбоблари ҳузурда "Мен партиянинг солдати эмас, онгли аъзосиман!" деган сўзлари ҳам Навоий ва Қодирийларнинг ҳақгўйлиги ва ижодий жасоратининг қаҳҳорона бир намунаси бўлгани ХХ аср ижтимоий-эстетик тафаккури тарихининг ёмби ҳақиқатидир. О.Шарафиддинов каби йирик ижодкорлар гувоҳлик беришича, ўшанда Абдулла Қаҳҳор, аслида, инсон эркини, инсон ақлини ҳимоя қилиб ҳайқирган, инсон устидан зўравонлик қилишга қарши қатъий норозилик билдира олган эди. Абдулла Қаҳҳор бу нутқини учун умрининг охиригача ва вафотидан кейин ҳам ҳукмронмафкуранинг таъна-дашномларидан қутулмади."²¹ Қаҳҳорнинг ижодкор сифатидаги бундай жасорати ёзувчи умри сўнггидагина эмас, балки "Синчалак" (1958) каби собиқ Иттифоққа машҳур асарларида ҳам намоён бўлган (Б.Назаров). Абдулла Қаҳҳор дунёқарашининг таянч устунини ва адабий-эстетикасининг "ўзаги" бўлган ҳақиқатпарварлик адиб зуваласи,

¹⁸ Исмоилова Г. Хоразмнинг фозил фарзанди. Муҳаммад Раҳимхон Феруз. Элга шоҳу ишққа қул. Т.: 1994. Феруз гулшани. Т.: 2016.

¹⁹ Каримов Н. Усмон Носир. Т.: "Шарк" НМК, 1993. 4-б.

²⁰ Ҳаққулов И. Аҳмад Яссавий Ҳикматлар. Т.: 1991. 16-б. Туркияда Яссавийлик. Сухбатлар тўплами. Т.: 1999. Нашрга тайёрловчи Нодирхон Ҳасан. АК. 2004. 277-б.;

²¹ Озод Шарафиддинов. Ижодни англаш бахти. Т.: 2004. 277-б.

тийнатидаги табиий фазилат, отамерос темирчилик касби билан тобланган нодир инсоний хислат эди дейиш тўғри бўлади.

Навоий ижоди ва сиймосида юксак ибрат даражасига кўтарилган, Қодирий ва Қаҳҳор ижоди ва фаолиятида ёрқин намоён бўлган мардона жасорат ва башоратгўйликнинг бардавоми бўлган Тоғай Муроднинг райком партия бюросидаги сўзлари ҳам маънавий-эстетик тафаккуримиз силсиласидаги мустаҳкам халқалар дейиш мумкин:”Эй мусулмон бандаси, жон берар чоғинг кимни эслайсан? Партияними? Комсомолними? Албатта, Худо дейсан. Отажон-онажон дейсан. Отажонинг, онажонинг жанозасида эса тирик туриб, бир сиким тупроқ ташлай олмасанг!..” Бу сўзларни айтиш-бошини кундага қўйиш билан баравар эди. Булар-“амири кабир” ва “амир ул муқарраб” унвонларига ноил бўлган”²² Навоийнинг юртпарварлик, миллатпарварлик ғояларининг ворислари бўлган Қодирий, Қаҳҳор ва Тоғай Муродлар ижодда ҳам, ижтимоий-маърифий фаолиятда ҳам имон-эътиқод ида собит турганлигининг давримиздаги ёрқин намуналаридир. Қаҳҳор 60-йиллардаёқ Абдулла Қодирийни “Ёзувчиларнинг амири” дея беқиёс улуғлаши ҳам ижодий бир жасорат бўлиш билан бирга Навоий ақидаларининг адабий-эстетик тафаккуримиздаги улкан таъсиридан далолатдир. Навоийшунос Д.Салохий сўзлари билан айтганда, башарият фарзанди бўлган Навоийнинг “халқпарвар ижодини боқий ихлос ва садоқат билан ўрганиш” жаҳон адабиётшунослигида янги саҳифалар очиши шубҳасиз.²³

Навоий “Фарҳод ва Ширин” достонида илму фазл хусусида мушоҳада юритиб, мирзо Улуғбек шахси ва илмий меросининг келажак учун ҳам улкан аҳамиятини юксак баҳолайди: *Қиёматга декинча аҳли айём, Ёзорлар онинг аҳкомидин аҳком* (Хамса.331-6)

Башоратомиз бу таъриф шоирнинг уммон қадар теран ижоди ва бой адабий-эстетик меросига нисбатан ҳам муносиб баҳо бўлур эди. Зеро, Навоий ижоди неча авлодлар учун юксак санъат ва бадииятнинг нодир намуналари бўлиб келганидек, эстетик қарашлари ҳам адабиёт моҳияти, ижодкор истеъдоди, шахси ва бурчини англашда энг зарур ва қимматли сабоқлардир. Истиклолимизнинг 28 йиллигига бағишланган анжуманда Ижод мактаби ўқувчиси фахр билан “дунёда шоир борки, Навойдан қарз” дейиши ҳам ўзликни англашнинг маъсум қалблардаги акс-садоси. Бу юксак ҳақиқатни Канадалик Гарри Дик, Покистонлик Суғробону Шигуфта каби олимлар эътирофи билан давом эттирсак, Навоий даҳоси буюклиги ва ижодининг тарбиявий-эстетик аҳамияти бугунги глобаллашув даврида янада ортишига амин бўламиз. Булар ҳам Навоий ижоди ва улуғвор сиймоси умумбашарий аҳамият касб этганлигининг ёрқин бир исботи бўла олади.²⁴

Иккинчи фаслда **Бадий ижод ва адабий-эстетик қарашлар уйғунлиги** ёритилади. Шўро даврида илм-фан ва адабиётнинг ютуқ-муаммолари синфийлик ва партиявийлик принциплари асосида талқин

²² Дилнавоз Юсупова. Алишер Навоийнинг ҳасби ҳоли.-Абадият гулшани. Т.:2016.186-6.

²³ Дилором Салохий. Навоий ва Самарқанд.-Абадият гулшани. Т.:2016.69-6.

²⁴ Нурбой Жабборов.Боқий ҳикматлар қудрати.Суйима Ғаниева.Ўз замонасидан ҳозирга қадар маҳсув ва машхур.-Абадият гулшани.Т.:Ўзбекистон.2016.47,10-66.

этилди. Адабиёт ва санъатнинг объектив қонунлари ҳам “марксизм-ленинизм даҳолари томонидан кашф этилган” деган уйдирмалар тўқилди. Адабий-назарий манбалар ва адабиёт дарсликларида ҳам бирёклама қараш кенг ёйилди: “энг илмий, энг изчил таълимот марксизм-ленинизм совет адабиёти, танқид ва адабиётшунослиги учун тараққиёт йўлини кўрсатувчи йўлчи юлдуз”. Аслида эса, бадиий ижоднинг асосий муаммолари ҳам марксизм-ленинизмнинг адабиёт ва санъат ривожига ғов бўлган таълимотидан бир неча аср аввал Навоий каби алломалар томонидан чуқур анланган ва уларнинг теран эстетик ғоя ва қарашлари бадиий ижод учун асос бўлган ва ижодий жараёнга изчил татбиқ этилган.

Адабиётимизнинг барча етук вакиллари Навоий ижодидан ва адабий-эстетик сабоқларидан озиқланмаган, таъсирланмаган ва илҳомланмаган дейиш бамисоли улар қуёш нуридан баҳраманд бўлмаган дейишдек анойилик бўларди. Кўп асрли туркий халқлар адабиётининг мустаҳкам заминига айланган бу улкан ғоявий-эстетик ҳақиқатни кўз олдимишга келтириш учун бир-икки мисол кифоя. Абдулла Қаҳҳор эстетик қарашларининг теранлиги намунаси бўлган ва шеърият ҳақидаги нодир таъриф сифатида Адабиётшуносликдарсликларига ҳам киритилган машҳур ташбеҳини эслайлик: “Шеър фикр экстрати бўлиши жиҳатидан-ҳикмат, кўнгилга йўл топиши, ундан ўзига ҳамоҳанг садо чиқариши жиҳатидан-мушиқа.”²⁵ Ҳақиқат нуқраси янғлиғ бу таърифда Навоийк аби алломаларнинг ижодий таъсирини сезиш қийин эмас. “Бугуннинг етук шоирлари Навоий идеалларига издошлик қилмоқ билан ўзларини бахтли сезадилар” (И.Ғафуров) Уларнинг Навоий ҳақидаги яқдил фикрлари ҳам ёхуд Тоғай Мурод қиссасидаги шоиртабиат Зиёдулла чавандознинг “Бекорга Навоий, Навоий демас эканлар!” деган халқона сўзлари ҳам бунга-далил. Навоийнинг бадиий-эстетик қарашлари силсиласида сўз санъатининг деярли барча муҳим муаммолари қамраб олинган: назм фазилати, шакл-мазмун уйғунлиги ва маънонинг устуворлиги каби ўзак масалалар хусусидаги теран қарашлари бугун ҳам ижодий дастур ва юксак мезон бўла олади:

Назмда ҳам асл анга маъни дурур,

Бўлсин анинг сурати ҳар не дурур (“Ҳайратул-аброр”)

Навоий даври адабий-эстетик тафаккурининг ўзига хос квинтэссенциясини ташкил этувчи бундай тизимли қарашларнинг аҳамиятини биргина қиёсда тасаввур этиш мумкин. Кўплаб халқлар, жумладан, арман ё литва миллий адабиёти ва эстетикаси тарихида 19-аср сўнгги ва XX аср бошларида ҳам шакл ва мазмун муаммоси хусусида тўғри ечимга келинмай, кескин баҳс-тортишувлар давом этган.²⁶ Яна бир далил: ЎзФА Тил ва адабиёт институти томонидан яратилган “Адабиёт назарияси”(1978) дарслигида “Адабий асарда мазмун ва шакл” бўлимида Чернишевский ва Плеханов каби марксизм даҳолари қарашлари энг доно, тўғри фикрлар деб келтирилган.²⁷ Холбуки, бу

²⁵ Адабиётшуносликка кириш. Т.: Ўқитувчи. 1984. 145-б.

²⁶ Очерк развития эстетической мысли в Армении. М.: “Искусство”. 1976. с. 239; Очерк развития эстетической мысли в Литве. М.: “Искусство”. 1972. с. 184;

²⁷ Адабиёт назарияси. Икки томлик. Т.: Фан. 1 т. 1978. 414-б.

муаммони Навоий ҳам илмий, ҳам бадиий жиҳатдан ҳал этиб бергани дарслик муаллифларига ҳам яхши маълум эди. Навоийнинг куйидаги икки сатрида ҳам адабиётнинг энг муҳим специфик хусусияти-бадиий ҳақиқат ва унинг китобхонга эмоционал таъсир кучи фалсафий тарзда ифодаланганини кўриб, шоир закосига тан берамиз:

Сўз ичраки ёлғон эрур нописанд,
Чу назм этдилар, қилди доно писанд. *(“Махбуб ул-қулуб”,104-б)

Навоий адабий-эстетикасидаги бундай муҳим ақида ва хулосалар Қодирий ва Қаҳҳор каби улуғ адиблар ижоди ва адабиётшуносларнинг асарларида ҳам ўзининг бадиий талқинива исботини топаётганлиги уларнинг ҳаққонийлиги дан гувоҳлик беради. Адабиётшунослар таъкидлаганидек, Қаҳҳор асарларида ҳаётий мантиқ талаб қиладиган йўлни эмас, бадиий ҳақиқат йўлини танлайди. Шу жиҳатларига кўра ҳам адибнинг машхур ҳикоялари жаҳон новеллистикасининг нодир намуналари сифатида юксак баҳоланган.

Навоийнинг сўз хусусидаги фалсафий-эстетик қарашлари ҳам теран ва ҳаётийлиги билан энг қадимий ёдгорликлар ва муқаддас китоблар- “Авесто”, “Қуръон” ва Ҳадисларга бориб боғланиши ҳам уларнинг илдизи қанчалик чуқур ва ҳаққонийлигига ишорадир. Ибратли ҳолат: Навоий анъаналари ворислари бўлган Қодирий ва Қаҳҳорнинг адабиётватанқидчилик ёхуд ёшлар ижоди ва маънавиятига бағишланган бирон нутқ ё мақоласи йўқки, унда тилимиз бойлигидан фахрланмаган ёки унинг жиддий муаммолари хусусида кескин фикр айтилмаган бўлсин. Булар сўнгги бобда ёритилган.

Қодирий, Қаҳҳор ва Тоғай Мурод ижоди анчадан буён ўрганилиб келинаётган бўлса-да, аммобу сиймоларнинг “маънавий оламига, руҳини тирилтиришга эриша олмаётгандекмиз”.(Ш.Ризаев) Нодир “истеъдоди билан ўзларининг юксак маънавий кўрғони ва бадиий оламини ярата олган ва абадиятга даҳлдор”²⁸ улуғ адиблар ижоди ҳақида қатор асарлар ёзган академик И.Султоннинг ҳам баъзи хулосалари қайта баҳоланиши лозим: “Ёзувчи Отабек ва Юсуфбек ҳожилар билан бирга халқ орасида ўсиб келаётган революцион ғояларни, эксплуатацияга асосланган бутун феодализм системасига тубдан қарши бўлган прогрессив кучларни пайқолмайди...

Абдулла Қодирийнинг ғоявий етуксизлиги, айниқса, миллатчи ёзувчи Чўлпонга муносабатида кўринади: Чўлпоннинг “Тонг сирлари” шеърий тўпламига кирган асарларнинг реакцион моҳиятини очиб беролмайди, автор пессимизмини фош этолмайди”²⁹ Бухам-Қодирийга қўйилган сиёсий айблов-тамғаларнинг “силлик” бир кўриниши эди. Қодирий ижодини кенг ўрганган адабиётшунослар А.Алиев ва Ф.Насриддинов адиб ижодини “Октябрь самараси” деб талқин этиши ҳам тарихий ҳақиқатга зид. ”Октябрь революциясининг меваси Ўзбек адабиёти ҳам туғилганидан бошлаб

²⁸ Қаримов Б. XX аср ўзбек шеърятини. Антология. Сўзбоши. Т.:2007.3-6.

²⁹ И.Султон. Абдулла Қодирий. Асарлар. 2 т. Т.:1972. 343-6.

революция ғалабаларини мустаҳкамлаш учун курашди. Социалистик воқелик ўзбек адабиёти мазмуни ва ғоясини белгиловчи бош омил бўлди”³⁰

Ҳақли савол туғилади: бошқа омилларчи? Қодирийдек нодир истеъдод соҳибининг ўзига хос бадиий-эстетик тафаккури, ҳаётий воқелик, тарихий ўтмиш ва Навоий каби улуғ сиймоларнинг ижодий таъсири-чи? Ёхуд У.Жўрақулов каби адабиётшунослар тўғри таъкидлаганидек, халқ закоси, исломий маърифат ва диний эътиқоди, миллий ва умуминсоний қадриятларимиз таъсири, ёзувчининг шахсий ҳаёт тажрибаси ва хасби ҳоли унсурлари ҳам муҳим омиллар эмасми? Қолаверса, тадқиқотчи С.Тўлаганова ёзганидек, “тарих ровийси” Қодирмуҳаммаднинг ҳам таъсири бор.³¹ Аслида, Октябрь инқилоби юз бермаганида, “Қодирий публицистикадан кўра бадиий ижодга кўпроқ вақт – куч сарфлаган бўлармиди”,³² деганда, Хуршид Дўстмуҳаммад ҳақлидир. Яна бир муаммога тўхталиш жоиз. Тадқиқотчи Э.Насруллаев “XX аср навоийшунослигида улуғ ўзбек шоири талқини” (2019) асарида “Ойбекнинг “Навоий” романи ўзбек адабиётида том маъно даги биринчи йирик тарихий роман”, - дейдики, бу, бизнигча, баҳсли фикр.

Абдулла Қодирий ижодини ўрганиш борасида сўнгги йилларда С.Мирвалиев, М.Кўшжонов, У.Норматов, Б.Каримов, Х.Дўстмуҳаммад, Н.Боқий, Н.Раҳимжонов, Л.Тошмуҳамедова, А.Бобониёзов, Н.Соатова, Ғ.Муродов, С.Тўлагановалар салмоқли ишларни амалга оширдилар. Таниқли олимларимиз томонидан яратилган “XX аср ўзбек адабиёти тарихи”(1999) дарслигида Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор ва Тоғай Мурод ижоди ва етук асарлари янгича талқинлар асосида ўрганилган.³³ Лекин бу адибларимизнинг адабий-эстетик ва танқидий қарашлари, уларнинг табиат ва руҳият тасвиридаги ўзига хослиги ва сўз санъати етарли даражада ёритилган деб бўлмайди. Дарслик ҳажми ҳам бунга имкон бермаслиги аён. Профессор Ҳ.Каримовнинг “Истиқлол даври адабиёти”.³⁴ (2010) дарслигида ҳам ҳозирги адабиётимизнинг етакчи тамойиллари кенг ёритилган. Бироқ салкам 400 бетлик китобда Истиқлолимиз фидойилари Фитрат, Қодирий ва Чўлпонлар ижоди бир қур тилга олинмаган. А.Мухтор, М.Юсуф ва Т.Мурод каби адиблар ижодига ҳам лоақал уч-тўрт саҳифа ажратилмаган. Олимнинг 2017 йилдаги “Адабий портретлар” китобида бу бўшлиқ қисман тўлдирилган.

Навоий ижоди ва эстетикасидан озикланган, унга эътиқод қўйган Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор ва Тоғай Мурод ҳам адабиётга, ижодкор шахсияти ва бурчига жуда катта масъулият билан ёндашган. Етук матншунос Отабек Жўрабоев аниқлашича, Қаҳҳор Навоий ижодига, буюк сиймосига кўп бора мурожаат қилган; ул зотнинг ижодкор шахси ва бурчи, бадиий тил ва сўз санъати соҳасидаги теран қарашлари ва адабий сабоқларидан ижодкорона фойдаланган, улардан маънавий-руҳий мадад олган.³⁵ Бу хулосалар жиддий муаммони ўрганишдаги илк натижа сифатида эътиборлидир.

³⁰ Алиев А. Ижод ва изланишлар. Т.:1976. 70-б.

³¹ Тўлаганова С. Ижодкор шахси ва адабий қаҳармон муаммоси. А.Қодирий ижоди мисолида. Ф.ф.д.дис. Т.:2019. 242-б.

³² Дўстмуҳаммад Х. Ёлғиз. Т.: “Машхур пресс”. 2019. 170-б.

³³ Мамажонов С., Каримов Н., Назаров Б., Норматов У., Шарафиддинов О., Кўчқоров Р. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. Т.:1999.

³⁴ Каримов Х. Истиқлол даври адабиёти. Т.:2010.; Адабий портретлар. Т.:Янги нашр. 2017. 420 б.

³⁵ Жўрабоев О. Навоий ижоди Абдулла Қаҳҳор талқинида. - Алишер Навоий ва XXI аср. Т.:2018. 202-205-66.

Қодирий ва Қахҳорнинг теран фикрлари уларнинг адабиётимиз ривожига хизматлари улкан эканлигини ва ижодда қанчалар улуғ бўлган адибнинг ҳаётда ҳам шунчалар маънавий юксакликка кўтарилганини ўзига хос тарзда намоён этиб туради. “Ёзувчининг вазифаси,-деган эди Абдулла Қахҳор, яхши асарлар ёзиш, халқ дилининг таржимони бўлиш билангина чекланмайди, унинг вазифасига адабиётни ҳар қандай бало-қазодан кўриқлаш, адабиётнинг сергак, жасур посбони бўлиш ҳам киради”.(6.426) Адибжодий фаолиятининг бош мақсади халққа манзур бўладиган асарлар яратиш билан бирга, айти пайтда, “атомдан кучли” бўлган адабиётнинг муқаддаслиги ва буюклигини кўз қорачиғидек асрашдан иборат эди.

Ҳаётда ҳам, ижодда ҳам эзгулик ва ҳақиқат учун мардона курашиш ёзувчининг буюк эътиқодига айлангани ҳақида атоқли адиб К.Симонов кузатишлари муҳим: ”У одамларни севарди, бироқ табиатида ёзувчилик ҳаётини чигаллаштириб юборган бир жиҳат ҳам бор эди: у яхшилик сари бораркан, йўлида ёмонни сезмасдан, уни даф этмасдан, унга ҳажвнинг ўткир тигини санчмасдан қолмасди. У ёвузлик, жаҳолат, разиллик ёнидан хотиржам ўтиб кетаверадиган одам эмасди, бу ҳол уни қайғуга солар эди... Бироқ ҳаёт номукамал экан, бундан ўзгача муносабатда бўлиш унинг қўлидан келмасди, бошқача муносабатда бўлишга интилмасди ҳам”.³⁶ Ҳақгўйлик ҳамиша чинакам истеъдоднинг юксак мезони бўлган. Бироқ Қодирий ва Қахҳорга хос собитлик ва онгли садоқат камдан-кам ёзувчиларнинг ижодий тақдирига айланади. Ғарзли мақсад ва манфаатлардан холи бўлган ҳаётий ҳақиқат бу адиблар истеъдоди, инсоний сиймоси ва ижодкор шахс характери билан белгиловчи бош фазилятдир.

Тадқиқотчи С.Тўлаганова Абдулла Қахҳор ва бошқа бир гуруҳ истеъдодли адибларни замонасозликда ва эътиқодсизликда айблаб, кескин хулоса чиқарган:”Халқлар отаси”тақитобининг муаллифлари (Ғ.Ғуллом, Ойбек, Уйғун, А.Мухтор, Р.Бобожон, Мирмуҳсин, Шукрулло ва бошқалар) даврнинг дастлабки қурбонлари эди.”³⁷ дейиши асосли бўлармикин? Ёхуд **“Афсуски, бугун турли йўллар орасида қолган миллий адабиётимизга мана шундай йўқотилган шахсларнинг авлоди ворислик қилиб турганлиги ачинарли ҳол”**,- деган фикри ҳам ўта номақбул ва у кўплаб ёшларни чалғитиши мумкин. (*Таъкид-бизники. У.Қ.*)

Бу давр муҳити ҳақида фикр юритганда, оғриқли саволлар туғилади: Қодирий ва Чўлпон Октябрь инқилобини ва Ленинни улуғламаганми? Ёки “Абдулла Қодирий 70 ёшга тўлган кунда сўзимизни Ленин партиясига раҳматлар айтиб бошлаш керак” деган сўзлари учун Қахҳорни маддоҳликда айблаш адолатданми? Абдулла Ориповдек шоиримиз компартияни “Нажот қалъаси” деб улуғлагани, ўша маккор партия Наврўздек қадимий байрам номини ўзгартиришини ҳам қувватлаганини қандай баҳолаш керак?Бошқа бир мисол: Расул Ҳамзатовдай буюк шоир миллий қаҳрамон Шомилни дастлабки шеърда ноҳақ айблаб, кейин ғоят афсусланган.³⁸ Академик

³⁶ К.Симонов. Абдулла Қахҳор ҳақида сўз.-Абдулла Қахҳор замондошлари хотирасида.Т.:1987.48-б.Н.Отахонов таржимаси.

³⁷ Тўлаганова С.Ижодкор шахси ва адабий қаҳрамон муаммоси.А.Қодирий ижоди мисолида.Ф.ф.д.дисс.Т.:2019. 153-б.

³⁸ Расул Ҳамзатов.Мой Дагестан.М.: Худ.лит.1969,с.78;

М.Қўшжонов мансабдор шахс ижодини мақтаб, олий мукофотга тавсия этгани, О.Шарафиддинов ва Б.Назаров Ленин ва адабиёт мавзусига ва марксизм-ленинизм таълимотига бағишланган асарлар ёзгани учун уларни ҳукмрон мафкура қурбони ё дастёрига айланди деб, айблаб бўладими?³⁹

Аслида, адиб асарларига баҳо беришда ва уларни тадқиқ этишда тарихий шароитни эътиборга олиш ва собиқ шўро даврида яшаб, ижод қилган бошқа санъаткорлар каби Қодирий ва Қахҳор ҳам бутунлай эркин бўлмаганини унутмаслик зарур. Бу жиҳатдан О.Шарафиддиновнинг Чўлпон ижодини ўрганиш борасидаги фикрлари асосли:”Муайян замон, муайян жамиятда яшаган шоир, табиийки, бу жамиятдан ташқарига чиқиб кета олган эмас. Чўлпоннинг бадиий ижоди ёхуд адабий-танқидий мақолаларидаги ҳукмрон мафкура ғояларига ён берилган ўринларни кўрганда, унинг номига маломат тошини отишга шошилмаслик керак. Билъакс, уни тушунмоққа ҳаракат қилайлик. Бу мулоҳазалар фақат Чўлпонга эмас, балки Ойбек, Ғ.Ғуллом, Ҳ.Олимжон, А.Қахҳор, Шайхзода, Миртемир каби кўп йиллар адабиётим изнинг чинорлари ҳисобланиб келган, кейинги йилларда эса ўринли-ўринсиз таъна-дашномларга рўпара келаётган ижодкорларга ҳам тааллуқли.”

Абдулла Қахҳор ҳам оғир замонда яшади. Ҳақ сўзи учун не-не зиёлилар “халқ душмани” деган тамға билан ўлимга маҳкум этилгани, миллатнинг энг сара гуллари “миллатчи” деб маҳв этилганини кўрди. Турли сиёсий айб-тазийк, тухматлар Қахҳорни ҳам четлаб ўтмади. А.Орипов улар кўрган ноҳақлигу фожеаларнинг асл сабаб-оқибати ҳақида армон билан фикр юритиб, Ғ.Ғуллом ижоди ва қийин қисмати ҳақида шундай ёзади: “Ғафур Ғуллом ўз сафдошлари қаторида ғоят мураккаб, ғоят зиддиятли, таҳликали бир даврда яшаб ўтди. Мустабид империянинг беомон мафкураси, мустамлакачилик сиёсати минглаб ҳақгўйларнинг бошини ейишга улгурди, қанчадан-қанча истеъдод эгаларининг бўйнига бўйунтуруқ солишга эришди. Ноғорасига ўйнашни хоҳламаганларни қатл қилди, қувғин остига олди. Шу тариқа ўзбек халқи ўнлаб беқиёс фарзандларидан бевақт айрилиб қолди. Ушбу аччиқ ҳақиқатни, айниқса, бугунги ёшлар теран тушунмоқлари керак”.⁴⁰ Қодирийга динга қарши асарларни таржима қилишбунорилгани ҳам архив ҳужжатларида сақланган.⁴¹ Бу қабиҳ вазифа ҳам Қодирийдек улкан истеъдодларнинг эрк-хуқуқсиз бўлгани ва ачинарли тақдирига-далилдир.

Ниҳоят, 2012 йили нашр этилган “Ўзбек адабий танқид тарихи” номли янги дарсликда синфийлик ва партиявийлик деб аталмиш мафкуравий кишанлар танқид ва адабиётшуносликнинг ҳамбошига тушган бало бўлгани тўғри кўрсатиб ўтилган.⁴² Истиклол даври тафаккури самараси бўлиб майдонга келган бундай дарслик-қўлланмалар шўро давридаги дарсликлар билан қиёсланса, кўплаб ноқисликлар аён бўлади. Масалан, “Ўзбек совет адабиёти” дарслигида (1967) “марксизм-ленинизм совет адабиёти, танқид ва адабиётшунослиги учун йўлчи юлдуз”⁴³ - деб таърифланади. Ёки профессор

³⁹ Назаров Б. Ленинча таълимот ва ўзбек танқидчилиги. Т.: 1977. 148 б.

⁴⁰ А.Орипов. Ўзбекининг ўз шоири. Танл ас. Т.: 2003. 4-б.

⁴¹ Қодирий Ҳ. Отам ҳақида. Т.: 1984. 108-б.

⁴² Назаров Б., Расулов А., Қахрамонов Қ., Ш.Ахмедова. Ўзбек адабий танқид тарихи. Т.: Чўлпон. 2012. 45-б.;

⁴³ С.Мирзаев, Х.Дониёров. Ўзбек совет адабиёти. Т.: Ўқитувчи. 1967, 51-б.

Н.Худойберганов ва А.Расуловнинг адабий-танқидий тафаккур ривожидида муҳим ўрин тутган “Ўзбек совет адабий танқидчилиги”(1990) дарслигида ҳам XX аср адабиёти ва танқидчилиги Октябрь ғалабаси билан боғлаб ўрганилган ва далилланмаган айрим қарашлар ҳам олға сурилган. Дарсликдаги “Ахир, Октябрь инқилобининг ўзбеклар юртида ғалаба қозонгани ҳақ-ку?! Ҳа, бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ. Илмий-эстетик ижоднинг тури адабий танқид Октябрь инқилобидан кейин туғила бошлади”⁴⁴ каби хулосалари баҳсга ундайди.

Адабий танқидчилик шаклланиши ва ривож тарихига ҳолисона назар илмий эстетика ва этика талаби. Бинобарин, ўз даврида неча ўнлаб етук мунаққид ва адабиётшунослар зиммасидаги улкан вазифани Навоий бир ўзи бажариб келгани жаҳон адабий-эстетик тафаккури тарихида истисно бир ҳолат. *“Қирқ йилга яқиндирки, олам мамлакатлари фозиллари ва комилларининг улуғ шаҳри ва илмий маркази Хуросон юртининг барча назм аҳли, шоирлари ва муҳтарам фасоҳат аҳли қозғоз юзига қандай маъно билан оройиши ва қайси сўзлар билан дафтарлар юзларини беаб, намойиши қилмоқчи бўлсалар, мен фақир суҳбатига етказдилар ва бу заифга маъқуллашиб, ўз асарлари нуқсу қусурлари ислоҳини сўрадилар”*.⁴⁵ Навоий фаолияти қанчалар кўламдор бўлганини тасаввур қилиш учун тарихий ва адабий манбалардан бир қиёс келтириш kifоя.

Горький каби адиблар XIX аср рус адабиётини Европа адабиёти тарихида юксак чўққи-феномен деб баҳолашади.⁴⁶ Бу даврда Пушкин, Гоголь, Лермонтов, Достоевский, Толстой ва Чехов каби улуғ адиблар етишиб чиққан. Белинский, Чернишевский, Добролюбов, Писарев каби машҳур танқидчи-назарийчилар ҳам шу даврда ном қозongan.⁴⁷ Бироқ бундай етук танқидчилар асарлари жамланса ҳам, Навоий фаолиятининг бир қисмини ташкил этиши мумкин. Навоийнинг жаҳон цивилизациясидаги буюк хизматларидан бири ҳам шундаки, у ўз даври адабиёти ва эстетик тафаккурининг ҳам долзарб муаммоларини ҳозиржавоблик билан ҳал этиб берган. Академик Б.Валихўжаев таъкидлаганидек, ХУ асрда танқид ва адабиётшунослик ҳам юксак бир босқичга кўтарилган.⁴⁸ А.Тарозий, Бобур асарлари, Д.Самарқандий, Ф.Ҳиротий ва А.Хусайний тазкиралари ҳам ўша даврдаги “илми адаб”, “илми нақд”, “илми бадеъа” ва “илми ғариба” нинг етук намуналари бўлганлиги-тарихий ва илмий ҳақиқатдир. Яъни проф. Ҳ.Болтабоев таъкидлаганидек, адабиётшуносликка бадиият хазинасининг улуғ анъаналарини жамлаган фан сифатида ёндошиш расм бўлган.⁴⁸

Навоий ижоди ва адабий-эстетик анъаналарининг ворислари бўлган Қодирий ва Қаҳҳорлар мафкуравий биқик муҳитда ижод қилдилар. Ҳозирги замон ўзбек адабиёти ва танқидчилигининг шаклланиши ва тараққиётига беқиёс ҳисса қўшган Қодирийнинг машҳур фикрлари алоҳида эътиборга молик: ”Модомики, биз янги даврга оёқ қўйдик, бас, биз ҳар бир йўсунда ҳам шу янги даврнинг янгиликлари кетидан эргашамиз ва шунга ўхшаш

⁴⁴ Худойберганов Н., Расулов А. Ўзбек совет адабий танқидчилиги. Т.Ўқитувчи. 1990. 35-б.

⁴⁵ Алишер Навоий. Муҳокамат ул-луғатайн. Т.: Тафаккур. 2014. 106-б.

⁴⁶ М. Горький о литературе. М.: Сов. писатель. 1955. с. 806. Кулешов В. История русской критики. М.: Просвещение. 1978. с. 526

⁴⁷ Б. Валихўжаев. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. Т.: 1993. 29-б.

⁴⁸ Болтабоев Ҳ. XX аср бошлари ўзбек адабиётшунослиги ва Фитратнинг илмий мероси. Фил. ф. д. дис. автореф. Т.: 1996. 11-б

достончилик, романчилик ва ҳикоячиликларда ҳам янги асарлар яратишга, халқимизни шу замоннинг “Тоҳир-Зухра”лари, “Чор дарвеш”лари, “Фарҳод-Ширин” ва “Баҳромгўр”лари билан таништиришга ўзимизда мажбурият ҳис этамиз”. Қодирийшунослар асар таҳлилини ана шу мухтасар сўзбошидан бошлайди ва бу тўғри йўлдир. “Очқичсўз” асари муаллифи Қозоқбой Йўлдош таъкидлаганидек, “китобларнинг сўзбошили бўлиши-туркий ёзма адабиёт учун қадимий анъана. Сўзбошиларда, бугунги тил билан айтганда, ижодкорнинг концепцияси баён этилади.”⁴⁹

Абдулла Қодирий сўзлари ёзилганига юз йил бўляпти, лекин улар бугунги Истиклол давримизда ҳам ҳар бир талантили ва диёнатли санъаткор учун муҳим бир дастуриламал бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир. Абдулла Қаҳҳорнинг адабий-эстетик қарашлари силсиласидаги “олтин халқ”лардан бири ҳам-бадий маҳорат бобидаги фикрларидир. Қаҳҳор наздида бадий маҳорат- бу, аввало, ёзувчи қалбидаги олижаноб мақсадни, оламга сочмоқчи бўлган муҳаббат ва нафратни чуқур ифодалай олувчи ёрқин образлар яратиш. ”Бадий маҳорат-чиройли ифодалар, антиқа воқеалар, кулгили ё қайғули ҳолатлар топиш эмас, халққа айтадиган зарур сўзимизни китобхон қалбига олиб кирадиган образлар яратиш демакдир”.(6.411)Қодирий ва Қаҳҳорнинг инсоний характер яратиш маҳорати ва инсон руҳиятини тасвирлаш хусусидаги қарашлари жаҳон адабиётининг машҳур адиблари фикрлари билан муштарак. XIX асрда ёзувчилари кўплиги билан Чеховларнинг ҳавасини келтирган **Норвегия**нинг машҳур адиби **Нобель** мукофотилауреати **Кнут Гамсун** ҳам адабиёт учун ижодий эркинлик ва инсон қалб кечинмаларини ҳаққоний акс эттиришни орзу қилиб, ўз ижодий кредосини шундай ифодалаган: “Мен учун персонажларимнинг ҳатти-ҳаракатларини тавсифлаш етарли эмас. Уларнинг қалби-ички дунёсини ёрқин тасвирлаш зарур, ҳис-туйғуларни худди микроскоп орқали кўргандек энг нозик қирраларигача акс эттириш муҳим”.⁵⁰

Абдулла Қаҳҳор ҳам инсонни ҳар томонлама, тўлақонли ва жонли қилиб тасвирлаш адабиётнинг олий мақсади эканлигини қайта-қайта таъкидлаган: “Мен мутлақо аминманки, инсон қандай бўлиши керак, қандай бўлмаслиги лозим эканини, ёзувчи қалбининг чуқур жойларигача кўрсатадиган икки саҳифалик чинакам проза биз учун пала- партиш, лекин устароқ сўзлар билан ёзилган “силлиқ” асардан кўп даражада фойдалироқдир. Адабиёт ҳақида мен билган гапнинг жавҳари - шу(6.328). Реалист адибларнинг муштарак фикрларидан аёнки, инсон ва унинг ҳис-туйғуларини ҳаққоний тасвирлаш ҳаммиша бадий маҳоратнинг асосий мезони бўлган. Инсоншунослик-адабиётнинг туб моҳиятини ифодаловчи бу муқаддас ҳақиқатни бугунги адабиётимизнинг Улуғбек Ҳамдам каби етук вакиллари ҳам ўзига хос тарзда эътироф этиши ижодий жараённинг бардавомлигидир: “Адабиёт менинг “мен”лигимни, сенинг “сен”лигингни, унинг “у”лигини ўзимизга кўрсатувчи ойна, инсон деб аталмиш мамлакат чегараларини чизиб беришга даъво

⁴⁹ Қозоқбой Йўлдош. Миллий руҳият меъмори. Очқичсўз. Т.: 2019. 5-б.

⁵⁰ Гамсун Кнут. Голод. М.: Иностранная литература. 1992. с. 692.

этувчи энг кучли Қудрат! Чунки адабиёт инсон ўзаги бўлмиш Рухнинг овози”.⁵¹ Бу муштараклик ҳам эстетик тафаккур умрбоқийлигидан далолат.

XX аср ўзбек адабиёти ва бадиий-эстетик тафаккур ривожини Абдулла Қаҳҳор ижодисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу хусусда И.Ҳаққуловнинг “Миллати, юрти, адабиёти равнақиға бир улкан адиб нечоғлиқ беғараз ҳисса қўшган бўлса, Абдулла Қаҳҳор ҳам шундай меҳнат қилгани, ўзини аямасдан ўлмас асарлар яратишга эришгани ҳам ҳавас қилишга муносибдир”, деган сўзлари айни ҳақиқатдир.⁵² Қаҳҳорнинг адабий-эстетик қарашлари силсиласида “Сароб” романи алоҳида ўрин тутаети. Асар муайян даврдаги адабий ҳаёт ва унинг бир қатор муҳим муаммолари бадиий ижод ва эстетика нуқтаи назаридан таҳлил этилгани билан ҳам диққатга молик. Қаҳҳор ижоди ваэстетик қарашлари тизимидаги муҳим бир жиҳат-етук асар яратиш учунқахрамонларининг қалбига қалбини пайванд қила олиш шартлигидир. Қодирий ва Қаҳҳор бу борада ҳам ижодий ибрат кўрсата олди. Президентимиз Ш.Мирзиёев 40-50- йилларда Янгиер ва Мирзачўлни ўзлаш тиришда Абдулла Қаҳҳорнингчўлқувар- пахтакорлар билан бирга ертўла-землянка-уйчада яшаб, машҳур “Шоҳи сўзана” комедиясини ёзганиниибрат қилиб кўрсатгани ижод аҳлига, журналистларга ҳам унутилмас бирсабоқ.

Буадабий эстетик анъаналар замондош адиблар томонидан ижодий давом этирилаётгани ҳам сўз санъатининг муҳим омили. Тоғай Муроднинг адабиёт, ижодкор шахс ҳақидаги қарашлари ҳам анъанавий, ҳам ўзига хос ва муҳими, улар адиб ижоди ва асарлари билан яхлит бир олам. “Санъаткорлар масжиди-театри. Қаламкашлар масжиди- Ёзувчилар уюшмаси. Қаламкаш ана шу масжидда камол топади. Асл қаламкаш қалбида шу масжидга ички бир меҳр ётади...покиза қаламкаш қалбидаана шу масжидга ички бир садоқат ётади. Ана шу меҳр, садоқат пайванд бўлиб, эътиқодга айланади.”⁵³ Бу фикр ва ақидалар Тоғай Мурод шахси ва ижодининг маънавий таянчи, эстетикасининг мағзи дейиш мумкин.

Икинчи боб **”Адабий танқидий қарашлар вазамонавийлик”** деб номланган. “Бадиий-эстетик тафаккур ва танқид” фаслида танқид-илми нақднинг ўрни, аҳамияти муҳимлиги ёритилган. Адабиёт ва танқид доимо бир-бири билан қўл ушлашиб боради ва бир мақсадга хизмат қилади.⁵⁴ Қодирий ва Қаҳҳорнинг адабий-танқидий фаолияти ҳам эзгу мақсадлар билан йўғрилган, уларнинг танқидий фикрлари адабий жараён сирларини англашга ёрдам беради.⁵⁵ Қодирий ғараз, нафсоният ва шахсият оғриқларидан тоза бўлган танқидга катта ишонч ва умид билдириб, юксак таърифлайди: “Ҳаётнинг янгидан-янги муваффақиятларига бошловчи, маърифат деган муаммонинг қалити, маданият дунёсининг бешиги ана шу танқиддир”(468-б) Айниқса, Қодирий ва Қаҳҳорнинг барча адабий-танқидий мақола ва тақризларида миллийликка ва сўз санъатига алоҳида эътибор қаратилганлиги ҳам ибратли жиҳатлардан. Қодирий ва Қаҳҳорнинг бадиий

⁵¹ Улуғбек Ҳамдам. Янгилаштириш эҳтиёжи. Т.: Фан. 2007. 11-б.

⁵² Иброҳим Ҳаққулов. Абдулла Қаҳҳор жасорати. - Адабиётимиз фаҳри. Т.: Ўзбекистон. 2008. 159-б.

⁵³ Тоғай Мурод. Ёзувчилар уюшмасига тўйхат. - Бу дунёда ўлиб бўлмайди. Т.: Шарқ НМҚ. 2001. 204-б.

⁵⁴ Белинский В. Танланган адабий-танқидий мақолалар. Т.: 1959. 73-б.

⁵⁵ Ўлжабоев У. Замон талаби ва ижодкор масуллиги. Т.: 2012, 7-б.

ижоднинг долзарб муаммолари ҳақидаги мақолалари теран мазмуни, таҳлил ва хулосаларининг чуқурлиги, етук илмий-адабий савияси уларни ҳақли равишда танқид ва адабиётшунослигимизнинг ҳам асосчилари эди, деб аташга асос бўлади.⁵⁶ Қаҳҳор адабий танқид табиати хусусида чуқур фикр билдириб, “Танқиднинг асосий вазифаси- истеъдод билан ёзилган асарларни кашф этиш”, деб таъкидлайди.

30-йиллар кўпгина шоир ва адибларнинг онг-дунёқараши ҳукмрон мафкуранинг синфийлик ва партиявийлик қолипларига бўйсундирилганлиги сабабли бадиий-эстетик тафаккур даражаси ва адабий танқидчилик савияси ҳам паст бўлганлигига гувоҳ бўламиз. Ҳамид Олимжондай ҳассосшоиримиз ҳам бадииятдан йироқ шиорбозликни “етук шеър намунаси” деб баҳолагани бугун оддий ўқувчини ҳам таажжублантиради:

*-СССРнинг заводидан
Чиққан автобуз,
Бос илгари, яна тезроқ
Америкадан ўз.*

XX аср ўзбек шеърляти ва етакчи ғоявий-бадиий хусусиятлари О.Шарафиддинов, И.Ғафуров, Н.Шукуров, Н.Раҳимжонов, Б.Акрамов, О.Абдуллаев, Қ.Йўлдошев, А.Сабирдинов, Я.Қосимов, У.Ҳамдамов, Ш.Ҳасанов, Б.Норбоев каби олимлар томонидан кенг ўрганилган. Аммо Абдулла Қаҳҳорнинг тақриз ва мақолаларида адабиётимиздаги ижобий тамойиллар билан бирга жиддий муаммолар ҳам теран таҳлил этилганлиги, йирик олимлар таъкидлаганидек, бугун ҳам долзарблигини йўқотгани йўқ.⁵⁷ Бу-“ҳаракатдаги эстетика”, яъни чинакам адабий танқиднинг ҳам умрбоқий бўлишидан гувоҳлик беради.

Адабий жараён ва танқидчилик савияси фаслида Қодирий ва Қаҳҳор адабий-эстетик қарашлари бугунги кунда ҳам ўз киммати ва долзарблигини йўқотмагани сабаблари улар ўзига хос тизимли илмий-назарий қарашлар экани, уларда бадиий ижод ва танқидчиликнинг специфик муаммолари соғлом мантиқ асосида ёритилгани таҳлил орқали кўрсатилади; танқидий қарашларининг чуқур илмийлиги, холислигига алоҳида эътибор қаратилади. 70-80-йиллар танқидчилигидаги айрим субъектив қарашлар С.Аҳмад, Э.Воҳидов ва А.Орипов асарларига муносабат мисолида кўрсатиб берилади.

Адабиётшунослигимизда Қаҳҳорнинг ўтмиш ҳаётини юксак маҳорат билан ёритган “Ўтмишдан эртақлар” қиссаси ва ҳикояларига нисбатан ноҳолис бир қараш давом этиб келади. Яъни адиб тарихимизни, халқ ҳаётининг ўтмишини буткул қоралаб ёзади ва ҳатто “уйдирмачиликка берилиб” кетади деган айбловлар ҳам оз эмас. Бундай хулоса чиқаришдан олдин мазкур асарларнинг яратилиши билан боғлиқ муҳим ҳаётий ва адабий-эстетик омилларни назарда тутиш лозим. Бу жиҳатдан Абдулла Қаҳҳорнинг “Ҳаёт ҳодисасидан бадиий тўқимага” номли ибратли мақоласи ва адиб ҳикояларини ўрганган мунаққид Ортиқбой Абдуллаевга ушбу ҳикояларни

⁵⁶ Аҳмедова Ш. Абдулла Қодирийнинг адабий-танқидий қарашларига оид баъзи мулоҳазалар. Абдулла Қодирий ижодининг ижтимоий-маънавий-маърифий аҳамияти. Т.: 2019. 45-б.

⁵⁷ Баходир Карим. Бир тақриз талқини. Нурбой Жабборов. Миллатпарвар. - Адабиётимиз фаҳри. Т.: 2007. 275-289-бб.

“Ўтмишдан эртақлар” қиссаси билан боғлаб ўрганиш хусусида берган маслаҳати ҳам жиддийаҳамият касб этади.

Таниқли адабиётшунос Ҳотам Умутов таъкидлаганидек, бу “Мақолада “Бемор”, “Ўғри”, “Адабиёт муаллими” ҳикоялари яратилиш тарихи билан боғлиқ ёш ижодкорлар учун ижодий лаборатория вазифасини ўтовчи кўплаб ҳаётий ва бадиий лавҳалар келтирилган.⁵⁸ Қаҳҳорнинг “деярли барча асарларида мозий жуда нурсиз ва қоп-қора бўёқларда намоён бўлади” деган хулоса баҳсли эканлигини адиб асарларининг ўзи ҳам тасдиқлаши мумкин. “Бемор”да кўшни кампирнинг касал аёлга ва ёш қизчага ҳамдардлиги ва чорасизликдан, раҳмдиллигидан йиғлаши одамийлик ва меҳр-оқибат белгиси. Ёки “Ўғри” ҳикоясидаги кўшнилари ўзлари қашшоқ, ночор бўлса-да, уйда борини муштипар Қобил бобога илинади. Булар- қора ўтмишдаги шуълалар эмасми?

“Ўтмишдан эртақлар”да Абдуллалар янги маҳаллага кўчиб келган кунини кўшни Тўхта хола ош қилиб чиқади. Бу ўтмишдаги инсонларнинг ўзаро меҳр-оқибатининг одатий, оддий ифодаси. Ёки қиссадаҳалқимиз табиатига хос азалий фазилатлар-инсонийлик, диёнат ва ишонч каби хислатлар акс этган лавҳалар-чи: “Олим бува, сахарда туриб нон ёпади, нонни дўконнинг олдидаги тахтага дастлаб қўйганидан кейин чорвоғига кириб кетади-ю, шом қоронғисида чиқади; дўконга келиб нонни, тушган пулни санайди, пул баъзан кам келса керак, жаврайди, пул ёкинонкам келганига эмас, пул ташламасдан нонолиб кетган киши бировнинг ҳақини еб, гуноҳкор бўлганига қуяди.” (3-т.10-б.) Бундай ҳаётий талқинлар замирида ҳалқимиз тийнати ва тафаккурида муқаддас Қуръон ва Ҳадисларнинг таъсири кучли бўлганлигини ҳам тасаввур этиш қийин эмас. Афсуски, Абдулла Қаҳҳор асарлари тағмаъноларида ифодаланган бу каби жиҳатларга Истиклолдан кейин ҳам танқид ва адабиётшунослигимизда етарли эътибор берилган эмас.

Асардаги уста Абдуқаҳҳор ва оддий темирчи ҳамкасбларининг ўзаро муносабатларидаги меҳр-оқибат, самимият ҳам ибратли. Уста бирдан-бир бойлиги “Зингер” тикув машинасини сотиб, пулини шогирди Кулалага беради ва танишларидан ҳам керакли асбоб-ускуналарини олиб, шогирдининг ҳамма ишкалини бут қилиб беради. Қайси тадбиркор ё устоз ўз дастгоҳи-иш курулини ҳам шогирдига бериб, яна бундай одамгарчилик-ҳиммат кўрсата олади? Ёки Қодирий асарларидагидек “Ўтмишдан эртақлар”да ҳам ҳатто оддий темирчилар ҳам хира шамчирокда китобхонлик қилиб ўтириши тасвирланган. Буларни “ўтмишнинг қоп-қора лавҳалари” деб бўладими? Қаҳҳор асарларида ҳам устувор бўлган жаҳон адабиётининг юксак санъат йўналиши- шафқатсиз реализмни ва тасвирлаш маҳоратини ҳис этиш учун китобхондан Горький орзу қилган зийраклик ва некбинлик талаб этилади. Горький Чехов “ҳикояларини ўқиганимда, донишманд бир одамнинг чуқур ғам-андухини эшитгандек бўламан,” дейди.⁵⁹ Қаҳҳор асарлари тағзаминида ҳам ана шундай улкан қалб соҳибининг дард-

⁵⁸ Ҳотам Умутов. Адабиятнинг иши яратишдир.- Адабиётимиз фаҳри. Т.:2007.30-31-б.

⁵⁹ М.Горький. О литературе. М.:Сов.писатель.1955 с.41.;

армонлари ва орзулари ўзига хос тасвирлар орқали ифодаланган. Адабиётшунос У.Жўракуловнинг “Қодирий романлари закий халқимиз учун ёзилган” деган хулосаси Абдулла Қаҳҳор асарларига нисбатан ҳам муносиб бир таъриф бўла олади.

Таникли адабиётшунос олим Санжар Содиковнинг “Абдулла Қаҳҳор ижоди ва адабий танқид” монографияси адабий танқидчилигимизда муносиб ўрин тутди. Аммо олим ўз асарида шу вақтга қадар Абдулла Қаҳҳор ижоди нуқул мактов ва кўтаринки таҳлил асосида ўрганилди ва адиб ижоди, шахси тўлиқ ва холисона ёритилмади деган хулоса билдирганки, бу фикрга қўшилиш қийин. Юқорида зикр этилган адабий-танқидий асарлар, 1987 йили нашр этилган “Абдулла Қаҳҳор замондошлари хотирасида”ги теран мақола ва хотиралар ҳам ушбу фикрнинг бир қадар субъектив эканлигини кўрсатади. Аслида, бадиий ижод, эстетика ва танқид ҳаёт ҳақиқатни ифодалашда қўш қанот бўлиши лозим. Қодирий ва Қаҳҳор фаолияти бу жиҳатдан ҳам ибрат.

Учинчи боб “Адабий таъсир масалалари ва ёш истеъдодлар тарбияси”га бағишланган. Биринчи фаслда ижодий таъсир, анъана ва новаторлик бадиий ижод ва адабий-эстетик тафаккур ривожининг муҳим, зарурий шarti ва кудратли омили эканлиги кўрсатилади. Бу мавзунини ёритишни Навоий ижодидан бошлаш мақсадга мувофиқ. Навоий ва Низомий, Саъдий, Жомий каби улкан салафлари ўртасида кечган устоз- шогирдлик ва адабий таъсир жараёни том маънода ижодий йўналишда бўлган. Навоий ва Саъдийнинг форс ва ўзбек тилларида яратган машҳур асарларидаги юксак ғоявий-тематик ҳамоҳанглик, поэтик жанрлар, образ ва талқинлардаги анъанавийлик улар ижодининг байналмилал мазмун-моҳиятини чуқурлаштиради. Бу эса уларнинг бадиий-эстетик олами ва барҳаёт ижодий анъаналарининг умумбашарий мазмун-миқёси ва аҳамиятидан ёрқин далолатдир. Даҳолар ижоди ҳамиша замонавий эканлиги, илғор кишилар билан ҳамиша ҳамқадамлиги ва ҳамнафаслигининг сири ҳам ана шу умуминсонийлигидадир.⁶⁰

Аммо машҳур турк шоири Нозим Ҳикмат каби Тоҳир Малик ва Шукур Холмирзаевлар ёхуд проф. Х.Кўрўғли, Т.Ҳамидова, М.Бегжонова, ҳатто М.Кўшжонов ва О.Шарафиддиновдек устозларнинг асарларида ҳам рус-ўзбек адабиёти таъсири масалалари баъзан бирёклама-бўрттириб талқин этилган. Чунончи, Чўлпон Москвада “шеърият кечаларида Маяковский билан суҳбатлашган”, деган тахминлар ҳам баҳсли. Чунки ўзбек ва Шарқ мумтоз шеъриятига хос тағмаъно, фасоҳат Маяковский ижоди учун харак терли эмас. У Ленин, Октябрь, пролетариат, синфий курашни ташвиқ этган, фожеона ўлган минбар шоири бўлган. Таассуфки, Н.Ҳикмат ҳам унга эргашиб Саъдий шеъриятини рад этгани манбалардан маълум.⁶¹ Таникли адибимиз Тоҳир Маликнинг қуйидаги фикри ҳам, назаримизда, бирёклама хулоса: “Қодирий ижодида муҳим ижтимоий масалаларни кўтариб чиқишни рус адабиётидан ўрганган” эмиш.

⁶⁰ Ҳамиджон Ҳомидов. “Шоҳнома”нинг шухрати. Т.: Ўзбекистон, 1991. 95-б.

⁶¹ Бабаев А. Очерки современной турецкой литературы. М. 1959. с. 65. Тоҳир Малик. Беназир дўст. Абдулла Қодирий Диёри бакр. 17-б.

Адабиётшунос Й.Солижонов айтганидек, ижодий таъсир жараёнини юзаки талқин этиш ҳоллари ҳам кўп учрайди. Масалан, М.Бегжонова “Н.В.Гоголь ва Абдулла Қодирий” рисоласида хаётий воқеа-ҳодисалар тасвирини ҳам адабий таъсир натижаси деб талқин этади.⁶² Гоголнинг Тарас Бульбаси билан Обид кетмоннинг ташқи кўринишида ҳам, Гоголь қаҳрамони Оксана “рождество”га тайёрланиши билан Кумушнинг тўй кечасидаги тасвирида ҳам Гоголь таъсири бор деган хулосалари далилланмаган. Қодирийнинг новаторлигини биргина мисолда ҳам кўриш мумкин. Романнинг илк нашрида Кумуш қабртошига Фузулий сатрлари ёзилган: “Ҳамроҳим эдинг бу йўлда, эй моҳ, Ҳамроҳин ташлаб кетарми ҳамроҳ”. Бу шеър ҳам Отабек дардини яхши ифодалаган. Аммо Абдулла Қодирийнинг ўзи битган сатрлар янада миллий, мазмунан чуқур ва мукамал:

“Аё чарх, этдинг ортуқ жабр бунёд, Кўзим ёшлиғ, тилимда қолди фарёд.

Хаётим лолазоридин аюрдинг, Ёқиб жоним, кулим кўкка совурдинг”

Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор ва Тоғай Мурод рус ва жаҳон адабиёти тажрибаларини ижодий ўзлаштирган ўзига хос новатор адиб эканликлари бадиий ижоди ва эстетик қарашлари таҳлили орқали кўрсатилади. Афсуски, ижодий таъсирбобида Қаҳҳор куюнчаклик билан кўрсатган тақлидчилик ва ўртамиёначилик ҳамон кўп учрайди.

“Абдулла Қаҳҳор ваёш истеъдодлар тарбияси” фаслида адабиёт ривожининг муҳим омили ўрганилган. Навоийнинг бетимсол устоз-муқаввийлик анъаналарини янги даврда ибратли давом эттирган фидоий адибларимиздан бири Абдулла Қаҳҳор эди. Ёшлар тарбиясига Қаҳҳорчалик меҳнати кўп сингган, ёшлар ижоди ва интеллектуал савиясини Қаҳҳор даражасида чуқур ўрганган ва уларга бу қадар кучли таъсир ўтказа олган йирик адиб XX асрда ўтмаган десак, муболаға бўлмайди. Адабиётшунослар таъкидлаганидек, Ш.Холмирзаев каби кўплаб прозаиклар ижоди, тили ва услубида Қаҳҳор анъаналари таъсирини кўриш мумкин.⁶³ Нафақат ўзбек адиблари, балки К.Симонов, Б.Полевой, Г.Севунц, Л.Ленч, Ғ.Мусрепов, Т.Алимқулов каби таниқли адиблар ва Вьетнам раҳбари Хо Ши Мин ҳам Абдулла Қаҳҳорни ўзларига устоз деб билишган. Бу юксак эътироф ҳам-адабиётимиз ва халқимиз учун бир фахр. Қаҳҳорнинг адабиётимиз келажаги ва ёшлар салоҳияти ҳақидаги башорати рўёбга чиқяпти. Ёш истеъдодларга ғамхўрлик намунаси- анъанавий Зомин семинари. “Адиблар хиёбони” ва “Ижодкорлар уйи” Тоғай Мурод сўзлари билан айтганда, қутлуғ бир даргоҳга айланди. Қаҳҳор ёш ижодкорлар ўсиб-улғайиши учун ижодий муҳит яратилишини орзу қиларди. Вилоятларимиздаги “Ижод мактаблари”да ҳам етук истеъдодлар етишиб чиқишига умид билдирилаяпти.

Тўртинчи боб: “**Миллий характер тасвири-бадиийлик мезони**”. Биринчи фасл **Бадиий-эстетик талқинлар** деб номланган. Илмий-назарий манбалар да адабиёт ва санъат моҳияти образ ва образлилик орқали намоён бўлиши, характерларнинг ҳаққоний, ўзига хос ва изчил бўлиши бадиий ижоднинг

⁶² Солижонов Й. Сўз сеҳри ва меҳри. Т.: Шарқ НМАК. 2018. 92-б.; Бегжонова М. Н. В. Гоголь и Абдулла Кадыри. Т.: Фан. 1983. 16-б.

⁶³ Дониёрова Ш. Истиклол даври ўзбек романларида миллий рух ва қаҳрамон. Т.: Мумтоз сўз. 2011. 7-б.

специфик хусусияти сифатида талқин этилади. Қодирий ҳам ўз романлари мавзуси ва мазмуни марғуб-номарғуб қаҳрамонларнинг феъли-сажияси, ахлоқи, турмуши, ўзаро муносабатларини тарихий ва ҳаётий ҳақиқатга мувофиқ тарзда акс эттириш орқали акс этишини таъкидлайди. Қаҳҳор наздида ҳам мукаммал, тўлақонли инсон образини яратиш ҳақиқий ижод. Бу- “санъатнинг темир қонуни”, юксак маҳорат мезонидир. (6.257)

Тадқиқотда Қодирий ва Қаҳҳорнинг инсоний характер яратиш маҳорати ва унинг руҳиятини тасвирлаш хусусидаги қарашлари жаҳон адабиётининг машҳур адибларининг эстетик фикрлари билан муштарак экани, бу ҳол уларнинг жаҳоний миқёсда фикрлашларини кўрсатиши таъкидланади. Тоғай Муроднинг характер яратиш тамойиллари, миллий хусусиятларни бетакрор йўсинда тасвирлаш маҳорати адиб асарлари таҳлили орқали очиб берилади. Қиссалари айнан шу йўсин, услубда ёзилишига сабаб ва омил бўлган эстетик қарашлари “Ёзувчилар уюшмасига хат”, “Ёш қаламкашларга тилакларим”, “Мен” сингари мақолалари ва интервьюлари тадқиқи воситасида ёритилади. Тоғай Мурод асарлари ва улардаги ранг-баранг образлар олами юксак бадиий мезон ва тамойилларнинг ижодий тажассуми бўла олади. Тоғай Мурод образлари ўзбекнинг ўзлигини намоён этиши билан бутун бир силсилани ташкил этади. Ватан тупроғини муқаддас билган, дину иймони бутун Жамолиддин кетмон, босқинчиларга қарши мардларча курашган сурхони Ақраб, далаларига меҳр қўйган жафокаш Деҳқонқул, миллатпарвар Бўри полвон, Гўрўғлию Алпомишдай ёвқур аждодларимизнинг кенжа вакили Зиёдулла чавандоз, ҳаёти ва кўнгиллари ҳам ой нуридай оппоқ Қоплон ва Оймомолар адабиётимиздаги унутилмас сиймолар бўлиб қолдилар.

Академик Тўра Мирзаев Тоғай Мурод ҳақидаги “Отлар ҳам йиғлайдими” мақоласида адиб асар мавзусига масъулият билан ёндашганлигини таъкидлаган. Тоғай Муроднинг чуқур миллийлик ва халқчиллик билан йўғрилган қисса ва романларини ўрганишда ҳам адибнинг инсон характерини яратишдаги маҳоратига асосий эътибор қаратилди. Тоғай Мурод шахси ва истеъдодини бошқа адиблардан ажратиш турувчи ўзига хос ёрқин жиҳатлар унинг 1994 йили нашр этилган “Отамдан қолган далалар” романида янада кенгрок бўй кўрсатган. Дарҳақиқат, ой-у йиллар пахтакорлар билан бирга яшаб, уларнинг бутун азоб-укубатлари-ю, ғам-андуҳларини бирга тотган шижоатли ёзувчигина ўзбек деҳқонининг туганмас ранжу меҳнатларини шу қадар кучли эътирос билан жўшиб тасвирлай олади. Афсуски, баъзи танқидчиларнинг талқинини холисона ёзилган деб бўлмади. Чунончи, адибни яқиндан билганадабиётшунос Маҳмуд Сатторовнинг хулосаси ўқувчида ҳақли эътироз уйғотади: “Тоғай Мурод романининг учинчи авлоди- Деҳқонқул бир нобакор, ота-боболари, авлоду аждодларини, умуман, одамлигини мутлақо унутиб бўлган манқурт”.⁶⁴ (Таъкид бизники-У.Қ.)

Албатта, адабиётимизда воқеа бўлган роман қимматини бундай фикрлар белгиламайди. “Тушда кечган умрлар” романи муаллифи Ў.Ҳошимов қайд этганидек, “Мустақиллик бўлмаса, бу асарлар ёзилмас, ёзилган тақдирда ҳам

⁶⁴Маҳмуд Сатторов. Тоғай Муродни таниш.- Мен қайтиб келаман.Т.:2007.112-б.

чоп этилиши амримаҳол эди”. “Отамдан қолган далалар” жамоатчилик томонидан ғоявий-бадий етук бир санъат асари сифатида тан олиниб, Абдулла Қодирий номли Давлат мукофоти билан тақдирланди.

Қодирий, Қаҳҳор ва Тоғай Мурод асарлари мисолида тарихийлик ва бадийлик муаммосига ҳам тўхталиш лозим. Истиклол туфайли юртимиз тарихини ҳаққоний ўрганиш ва ёритиш имкони туғилди. Хусусан, 1.09.2019 йилдан фаолиятини бошлаган “Ўзбекистон тарихи” телеканали ҳам ана шу эзгу мақсадга қаратилган. Яқин ўтмиш тарихи, Ўрта Осиё ва чор Россия муносабатларини илмий асосда ёритиш ва унга ижтимоий адолат нуқтаи назаридан баҳо бериш ҳамда тарихийлик ва бадий талқин муаммоларини кенг ўрганиш маънавиятимизнинг ва истиқлол мафкурасининг ҳам долзарб муаммоларидан саналади. Таассуф билан айтиш жоизки, ўтган аср иккинчи ярми ва асримиз бошларида юз берган тарихий воқеа-ҳодисалар бирёқлама, яъни тарихийлик ва бадийлик мезонларига зид равишда ёритиб келинди.

Улуғ адибимиз Қодирийнинг 1922 йили ўзига хос жасорат билан ёзган “Мочалов” фельетони ҳам адибнинг қанчалар ҳақгўй ва миллатпарвар реалист ёзувчи эканлигини яққол намоён этади. Ёхуд миллатпарвар шоиримиз Чўлпоннинг “Жонлар бериб, қонлар тўккан эрларинг...”-деб ёзгани бежиз эмас эди. Ўлкамизда чоризм сиёсати қанчалик даҳшатли оқибатларга сабаб бўлганлигини кўплаб тарихий ҳужжатлар ва адабий манбалар тўла исбот қила олади. Чўлпоннинг 1921-йили ёзилган “Ёнғин” номли шеърида акс эттирилган давр фожиалари кўлами ва даҳшатини унга эпиграф қилиб олинган фожеона хабар орқали ҳам билиб олиш мумкин. Улар миллатпарвар шоир Чўлпоннинг шафқатсиз реализмидан, Қодирийдек ҳақгўйлигидан далолат эди. Халқимиз бошидан кечирган бу фожеа бадий адабиётда, хусусан, бир қатор реалистик асарларда ҳам ўз аксини топган.

